Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат ва жамият қурилиши академияси

ПАРДАЕВ АБДУНАБИ ХОЛИҚОВИЧ

БОШҚАРУВ ҲИСОБИ

"Академия" нашриёти
Тошкент - 2002

3/2/21
11 180

Пардаев А.Х. Бошқарув ҳисоби
Тошкент, "Академия" нашриёти, 2002 й., 176 б.

Ушбу рисола ўзбек тилида ёзилган дастлабки қўлланма бўлиб унда асосий эътибор бошқарув ва молия ҳисобларининг бир-биридан фарқини ва уларнинг хусусиятларини белгилашга қаратилган, бошқарув қарорларини қабул қилишга таъсир этадиган омилларни ўрганиш асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга баҳони белгилаш тамойиллари атрофлича ёритилиб, харажатлар таркиби ва тавсифи аниқ мисоллар билан кўрсатилган.

Қўлланмада анъанавий ёндашувлардан фарқли ўлароқ, шу мавзулар доирасида вужудга келадиган вазиятли масалалар, муаммолар иллюстратив мисоллар воситасида шарҳланган, мавзуга оид тест саволлари берилган.

Қўлланма иқтисод йўналиши бўйича таълим олаётганлар, шунингдек, молиявий-хўжалик фаолиятини бошқариш билан бевосита боғлиқ бўлган раҳбар ходимлар, қолаверса кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Тақризчилар: и.ф.д., профессор Н. Жўраев,
и.ф.н., доцент Б. Ҳасанов

SamK
KUTUBXONASI

© "Академия" нашриёти, Тошкент, 2002 й.

КИРИШ

Китобхонлар ҳукмига ҳавола этилаётган ушбу қўлланманинг асосий вазифаси ҳар бир корхона раҳбарини (менежери) "Бошқарув ҳисоби" курсининг асослари билан таништиришдан иборат.

Бошқарув қарорларини қабул қилиш - бошқарув жараёнининг муҳим босқичидир. У қанчалик самарали бўлса, корхона умумий фаолияти шунчалик муваффақиятли кечади. Бу масалага ёндошиш борасида, ушбу қўлланма шубҳасиз, катта ёрдам беради.

Корхона раҳбари малакасининг даражаси ва сифатини белгиловчи асосий мезон иқтисодий ўзгаришларни олдиндан кўра билиш қобилиятида ифодаланади. Кимки ана шундай қобилиятга эга бўлмаса, у кишидан оқил ва малакали раҳбар чиқиши даргумон. Айнан шу хулосадан келиб чиқиб, қўлланмада тадқиқотли, норматив ва истиқболли (прогноз) қарорларини қабул қилиш технологияларига катта эътибор қаратилди. Бошқарув қарорларини қабул қилишнинг замонавий энг қулай ва самарали технологияси мисоллар ёрдамида баён қилинди.

Шунингдек, қўлланмада қандай маҳсулот турини, қанча миқдорда ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқлигини аниқлаш, шу билан боғлиқ харажатларни назорат қилиш ва бошқариш, уларни ҳисобга олиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннархини ҳисоблаш, белгиланган таннархдан четланишларни назорат қилиш усуллари атрофлича ёритилди. Ишлаб чиқарилган маҳсулот баҳосини белгилашга илмий жиҳатдан ёндашиш, уни рақобат ва бозордаги талаб-таклиф ўртасидаги муносабат таъсирини эътиборга олган ҳолда аниқлаш усуллари мисоллар воситасида кўрсатилди.

Китобхонлар ҳукмига ҳавола қилинаётган ушбу қўлланма ўзбек тилида ёзилган дастлабки рисола бўлиб, у бир қатор камчиликлардан холи эмас. Шунинг учун унинг мазмунига оид таклиф ва мулоҳазаларни муаллиф миннатдорчилик билан қабул қилади.

1-МАВЗУ:

Бошқарув ҳисоби тўғрисида умумий тушунча. Харажатлар таркиби ва тавсифи

1.1 Бошқарув ва молиявий ҳисобларини ўзаро таққослаш

Бошқарув ва молия ҳисобларининг хусусиятлари

№	Бошқарув ҳисоби	Молиявий ҳисоб
1	Мақсади - корхона раҳбар ва менежерларини ҳар томонлама илмий асосланган қарорлар қабул қилиши учун зарур бўлган маълумотлар билан таъминаш	Мақсади - корхона маъмурияти, шунингдек ташки фойдаланувчиларни молиявий ҳисобот маълумотлари билан таъминлаш
2	Корхона раҳбари талаби доирасида ташкил қилинади ва юритилади: * бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва юритишнинг исталган шакли танлаб олиниши мумкин; * маълумот шакли ва муддати корхона раҳбарлари талабига қараб турлича бўлиши мумкин; * маълумотларнинг ҳажми ва сиғими ҳам исталган кўринишда бўлиши мумкин	Аниқ белгиланган талаб ва мезонлар асосида ташкил қилинади ҳамда юритилади: * Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуни; * бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари * бухгалтерия ҳисобининг счетлар режаси; * харажатлар таркиби тўғрисидаги Низом; * бухгалтерия (молиявий) ҳисоботининг тасдиқланган шакллари

Бошқарув ва молия ҳисобларининг фарқи

№		Бошқарув ҳисоби	Молиявий ҳисоб
1.	Маълумотлардан фойдаланувчиларга қараб	1. Маълумотлардан фойдаланувчилар - шу корхонанинг раҳбарлари 2. Бу ҳисобот шакллари ташқи истеъмолчилар учун берилмайди. 3. Ҳисоботдаги маълумотлар шу корхонанинг тижорат сиридир.	1. Маълумотдан фойдаланувчилар - шу корхонадан ташқаридагилар. 2. Корхона раҳбарлари ҳам ҳисобот муддати ва сифати учун бевосита жавобгардирлар. 3.Ҳисобот маълумотларида сир йўқ, ундан истаган киши фойдаланиши мумкин.
2.	Ҳисоб маълумотларини акс эттириш усулига қараб	1.Хўжалик жараёнларини акс эттириш албатта, иккиёқлама ёзув принципига асосланиши шарт эмас. 2. Маълумотлар ҳар қандай ўлчов бирлигида ҳисобланиши мумкин 3. Ҳисобот маълумотларининг бош китоб маълумотлари билан тенг бўлиши ва таққосланиши шарт эмас	1.Хўжалик операциялари (жараёнлари) бухгалтерия ҳисобининг иккиёқлама ёзуви принципига асосан ёзилади. 2. Молиявий ҳисобот маълумотлари албатта пул бирлиги кўринишида акс эттирилади. 3. Ҳисобот маълумотлари бош китобнинг охирги ёзувларига мос келади
3.	Танлаш эркинлигига қараб	1.Бошқарув ҳисоби маълумотларининг шаклланишида ҳеч қандай талаб ва мезонлар қўлланилмайди. 2.Бу ҳисоб турида ягона мезонга амал қилинади - маълумотларнинг бошқарув қарорларини қабул қилиш учун аҳамиятлилик даражаси	1.Молиявий ҳисобот маълумотлари аниқ мезон ва принциплар асосида шаклланиши ва акс эттирилиши шарт. 2.Маълум талаблар ва мезонлар асосида маълумотлар қайд қилинади, баҳоланади ва счетларда акс эттирилади

4.	Ўлчов бирлигига қараб	1. Бошқарув қарорларини қабул қилишда келгусида бўлиши мумкин бўлган пул бирлиги (сўм) тўғрисида қарорлар қабул қилинади. 2. Албатта пул бирлиги (сўм) эмас, машинасоат, тайёр маҳсулот бирлиги (дона) ва бошқа ўлчовлар ҳам ишлатилиши мумкин.	1. Молиявий ҳисоботнинг барча маълумотлари пул бирлиги (сўм)да акс эттирилади.
5.	Бухгалтерия ҳисоби объектларига қараб	1. Бошқарув ҳисоби айрим олинган бўлимлар, иш жойлари, цехлар бўйича бўлиши мумкин. 2. Объект сифатида алоҳида мавзудаги бошқарув вазифаси ҳам олиниши мумкин (Масалан, 1 йилдаги дебитор ва кредитор қарзларнинг ҳолати)	1. Молиявий ҳисобда корхона фаолияти тўғрисидаги барча маълумотлар умумлаштирилади. 2. Ҳеч бир хўжалик бирлиги ҳисоботга кирмасдан қолиши мумкин эмас.
6.	Ҳисоботнинг тузилиш вақтига қараб	Бошқарув ҳисоботи исталган вақтга тузилиши мумкин: * ҳар куни; * ҳар 10 кунда; * ҳар ойда; * йилнинг ҳар чорагида ва ҳ.к.	Молиявий ҳисобот шакллари энг асосийси бир хил вақтларда доимий тарзда тузилади; * йилнинг ҳар чорагида; * ҳар йилда.
7.	Ишончлилик даражасига қараб	Бошқарув ҳисоби маълумотларининг кўпчилиги келгусида рўй бериши ва содир этилиши кутилади. 1. У кўпроқ субъектив характерга эга ва ишончлилик даражаси анча паст	1. Молиявий ҳисобда тугалланган хўжалик жараёнлари тўғрисида маълумотлар акс эттирилади. Шунинг учун унинг ишончлилик даражаси энг юқори. 2. Маълумотлар содир этилганлиги учун у аудитор текширувидан ўтказилади.

1.	Бухгалтерия ҳисобини юритиш мажбуриятига қараб	1. Бошқарув ҳисобида бухгалтерия ҳисобини юритиш шарт эмас. 2. Бу ҳар бир корхонанинг шахсий иши ва у корхона раҳбарлари хоҳишига биноангина ташкил қилиниши ва юритилиши мумкин.	1. Ҳар бир корхона мулк шаклидан қатий назар молиявий ҳисобни юритиши ва тегишли органларга ўз вақтида ҳисоботлар бериши шарт.

Бошқарув ҳисобининг асосий вазифалари

1.	Раҳбарларни ишлаб чиқариш ва корхона фаолиятини оператив бошқариш учун зарур фойдали маълумотлар билан таъминлаш.
2.	Корхонанинг келажаги ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича перспектив қарорлар қабул қилиш учун маълумотлар тизимини шакллантириш ва раҳбарларни шу маълумотлар билан таъминлаш.
3.	Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар) таннархини ҳисоблаш, белгиланган норма, режа, мезон ва сметалардан четланишини аниқлаш, кўрсатиб бериш.
4.	Корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятини, молиявий қуйилмаларни, янги технологияларни жорий қилишни режалаштиради, режанинг бажарилишини назорат қилади.

1.2. Харажатлар классификацияси. Ишлаб чиқариш харажатларининг элементлари

Махсулотлар таннархини калькуляция қилиш ва харажатларни ҳисобга олиш бошқарув ҳисобининг мухим бир бўлимидир, чунки айнан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннархи жуда кўп ҳолларда қуйидаги бошқарув қарорларининг қабул қилиниши учун асос бўлади:

- Қайси хилдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни давом эттириш мумкин, қайсиларини тўхтатиш лозим.
- Ёрдамчи маҳсулотларни сотиб олиш керакми ёки ишлаб чиқариш лозимми?
- Маҳсулотга қандай баҳо белгилаш керак
- Янги жиҳозлар сотиб олиш керакми-йўқми?
- Ишлаб чиқариш ва технологик жараёнларни ўзгартириш керакми-йўқми?

1-жадвал

Харажатлар классификацияси

	Классификация белгилари	харажатлар тури
1	ишлаб чиқариш жараёнида тутган иқтисодий ўрнига қараб	асосий ва иккиламчи
2	ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархига киритилишига қараб	тўғри ва эгри(бевосита ва билвосита)
3	ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан	ўзгарувчан ва доимий


Тўғри моддий харажатлар
Асосий материаллар
Хом ашё
Масалан, стол ёки стул ишлаб чиқариш учун қанча мих, самолёт ишлаб чиқариш учун қанча болт ишлатилган. Мана шундай харажатлар ишлаб чиқарилаётган маҳсулот компоненти бўлишидан қатий назар ёрдамчи материаллар гуруҳига киритилади ва улар эгри харажатлар туркумида ҳисобга олинади.
Худди шунингдек, шим ишлаб чиқаришдаги материал сарфи - тўғри харажат, унга ишлатилган ип, тугма, "молния"лар бўлса, эгри харажатлар туркумига киритилади
Сувенирлар ишлаб чиқарилишини олинг. Алоҳида олинган буюмни безаш учун қимматли материаллар, мисол учун, олтин суви ишлатилиши мумкин. Бу ҳам ёрдамчи материал, лекин уни эгри харажатлар туркумига киритиб бўлмайди. Унинг нархи асосий буюм нархидан бир неча баравар кўп бўлиши мумкин.


Тўғри меҳнат харажатлари
Бевосита ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчи кучи харажатлари
Бевосита ишлаб чиқаришдаги ишчилар иш ҳақи
Ишлаб чиқариш жараёнидаги ишлаётган машина операторлари иш ҳақи
Бевосита ишлаб чиқаришда банд бўлган бошқа ишчилар иш ҳақи



Счёт № 20. "Асосий ишлаб чиқариш"



1-расм.

Маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатларни аниқлаш



2-расм

Маҳсулотнинг тўлиқ таннархини аниқлаш



1.3. Тўлиқ ва ўзгарувчан харажатларни ҳисобга олиш усуллари, уларнинг молиявий натижаларга таъсири



Харажатларни ҳисобга олиш усулларига мисол

1.	Корхона «Х» турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан банд. Йил давомида корхона янги маҳсулот ишлаб-чиқаришга мослашмоқчи:
2.	Қуйидаги маълумотлар мавжуд: * тўғри моддий харажатлар - 59.136 * тўғри меҳнат харажатлари - 76.384 * ўзгарувчан умум ишлаб чиқариш харажатлари - 44.352 * доимий умумишлаб чиқариш харажатлари - 36.960 * йил давомида 24.640 маҳсулот бирлиги ишлаб чиқилган; * ҳисобот даврининг боши ва охирида тугалланмаган ишлаб чиқариш бўлмаган
3.	Шу маълумотлардан фойдаланиб:а) маҳсулот бирлигининг нархини; б) давр охирига бўлган тайёр маҳсулот қолдиғи хажмини; в) иккала усул бўйича шу давр мобайнида сотилган маҳсулотларнинг таннархини ҳисоблаш лозим.

2-жадвал

Харажатларни ҳисобга олиш тартиби

Кўрсаткичлар	ўзгарувчан харажатлар ҳисоби	тўлиқ харажатлар ҳисоби
ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлигининг таннархи		
тўғри моддий харажатлар (59136 : 24640 бирлик)	2.40	2.40
тўғри меҳнат харажатлари (76384 : 24640 бирлик)	3.10	3.10
ўзгарувчан умум ишлаб чиқариш харажатлари (44352 : 24640 бирлик)	1.80	1.80

доимий умумишлаб чиқариш харажатлари (36960 : 24640 бирлик)	-	1.50
бир маҳсулот бирлигининг жами таннархи	7.30	8.80
йил охирига қолган тайёр маҳсулотлар қолдиғи (2.640 x 7.30) (2.640 x 8.80)	19.272	23.232
сотилган (реализация қилинган) маҳсулотларнинг таннархи (22.000 x 7.30) (22.000 x 8.80)	160.600	193.600
доимий умумишлаб чиқариш харажатлари	36.960	
молиявий натижалар ҳисоботида кўрсатилган жами харажатлар	197.560	193.600
ҳисобга олиниши лозим бўлган барча харажатлар миқдори	216.832	216.832

3-жадвал

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (маржинал усул бўйича)

Маҳсулотлар сотувидан (реализациясидан) тушган тушум		539.000
Сотилган маҳсулотлар таннархининг ўзгарувчан қисми:		
* сотиш учун мўлжалланган товарлар таннархининг ўзгарувчан қисми	179.872	
* минус, тайёр маҳсулотларнинг охирги қолдиғи	19272	

* тенг, сотилган маҳсулотлар таннархининг ўзгарувчан қисмига	160.600	
* плюс, ўзгарувчан тижорат харажатлари (22.000 x 4.80)	105.600	266.200
Маржинал фойда		272.800
* минус: Доимий харажатлар * доимий умумишлаб чиқариш харажатлари * доимий тижорат харажатлари * доимий маъмурий харажатлар	 36.960 48.210 82.430	 167.600
Операцион фойда (солиққача бўлган фойда)		105.200

4-жадвал

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (харажатларни тўлиқ ҳисобга олиш усули бўйича)

Маҳсулотлар сотувидан (реализациясидан) тушган тушум		539.000
Сотилган маҳсулотлар таннархи Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таннархи	216.832	
Минус, тайёр маҳсулотларнинг охирги қолдиғи	23.232	193.600
Сотувдан тушган ялпи фойда		345.400
Тижорат харажатлари: * ўзгарувчанлари * доимийлари * маъмурий бошқарув харажатлари	 105.600 48.210 82430	236.240
Операцион фойда (солиққача бўлган фойда)		109.160

Иллюстратив мисол

Мисол. Корхона "Х" турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Барча эҳтиёж қисмларни ҳам мол етказиб берувчилардан сотиб олади. Ҳисобот йилининг тўртинчи чорагида қуйидаги маълумотлар мавжуд:

Счетлар рақами ва номи		31 декабр	1 октябр
10	Материаллар:		
	* арматура	42.020	36.820
	* панжаралар	13.020	12.660
	* электродеталлар	20.470	19.890
	* ўтказгичлар	8.840	9.250
20	Тугалланмаган ишлаб чиқариш	80.130	77.910
40	Тайёр маҳсулотлар	81.260	86.520

а) 4 квартал давомида корхона 92.480 сўмлик арма-тура, 41.600 сўмлик панжаралар, 52.780 сўмлик электродеталлар ва 11.460 сўмлик ўтказгичлар сотиб олган.

б) Тўғри меҳнат харажатлари 12.000 соатни ташкил қилган. Ҳар бир соат ҳақи - 9.50 сўм

в) Умумий ишлаб чиқариш харажатлари:

* эгри меҳнат харажатлари	36.870
* асбоблар	3.930
* жиҳозларнинг ижара ҳақи	2.500
* суғурта харажатлари	1.940
* жиҳозларни таъмирлаш харажати	4.880
* жиҳозлар учун ҳисобланилган эскириш	2.600
г) маҳсулотларнинг сотилиш ҳажми	691.770
д) тижорат ва маъмурий харажатлар	296.820
е) фойда солиғи ставкаси	34%

Талаб қилинади:

1. Ҳар бир материал тури бўйича 4-кварталда сарфланган миқдорни ҳисобланг.
2. 4-кварталда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг таннархини ҳисоблаш ҳисоботини тузинг.
3. 4-квартал бўйича корхонанинг молиявий натижаси тўғрисидаги ҳисоботини тузинг.

Ечими

1.Ишлатилган материаллар қийматининг ҳисоб-китоби

	1 октябрга қолдиғи	харид қилинган	31 декабрга қолдиқ	ишлатил-гани
Арматура	36.810	92.480	42.020	87.270
Панжаралар	12.660	41.600	13.020	41.240
Электро-деталлар	19.890	52.780	20.470	52.200
Ўтказгичлар	9.250	11.460	8.840	11.870
Жами	78.610	198.320	84.350	192.580

2. 4-кварталда ишлаб чиқилган маҳсулот таннархи тўғрисида ҳисобот

Ишлатилган материаллар таннархи		192.580
Тўғри меҳнат (иш) ҳаки харажатлари (12.000 x 9.50)		114.000
Умум ишлаб чиқариш харажатлари:		
* эгри меҳнат харажатлари	36.870	
* инструментлар	3.930	
* жиҳозлар ижараси	2.500	
* суғурта харажатлари	1.940	

* жиҳозларни таъмирлаш харажати	4.880	
* жиҳозларнинг эскириш суммаси	2.600	
Жами умум ишлаб чиқариш харажатлари		52.720
Шу даврдаги ишлаб чиқариш харажатлари		359.300
+ Плюс, 1 октябрдаги тугалланмаган ишлаб чиқариш		77.910
- Минус, 31 декабрдаги тугалланмаган ишлаб чиқариш		80.130
Ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи		357.080

3. 4-квартал бўйича корхонанинг молиявий натижаси тўғрисида ҳисобот

Маҳсулотни сотишдан (реализация) тушган тушум		691.770
Сотилган маҳсулотларнинг таннархи: * 1 октябрдаги тайёр маҳсулот * ишлаб чиқилган маҳсулот таннархи Минус, тайёр маҳсулотларнинг 31 декабрдаги ҳолати	86.520 357.080 81.260	
* сотилган маҳсулот таннархи		362.340
* ялпи фойда		329.430
операцион харажатлар:		
* тижорат ва маъмурий харажатлар		296.820
* солиққача бўлган фойда		32.610
* солиқ суммаси (34%)		11.087
Соф фойда		21.523

Ўз-ўзини текшириш бўйича саволлар (тест саволлари)

1. Реклама-ташвиқот бўлими ва рекламани бошқаришнинг маъмурий харажатлари қайси харажатлар гуруҳига киритилади?

а) ўзгарувчан ва тўғри харажатлар;
б) ўзгарувчан ва эгри харажатлар;
в) доимий ва тўғри харажатлар;
г) доимий ва эгри харажатлар.

2. Корхона ишлаб чиқарилиши мўлжалланаётган маҳсулотдан 200.000 сўм миқдорида фойда олишни режалаштирмокда. Доимий харажатлар - 400.000 ва ўзгарувчан харажатлар - реализация ҳажмининг 75% миқдорида бўлса, соф реализация ҳажми қанчани ташкил қилади?

а) 2 133.333
б) 2 400.000
в) 2 666.667
г) 3 200.000

3. Ишлаб чиқариш корхонаси учун қуйидагиларнинг қайси бири давр харажатлари гуруҳига киритилади?

а) завод жиҳозларининг амортизацияси;
б) маҳсулотларни сотиш бўлимининг ишчилари иш ҳақи;
в) машина операторларининг иш ҳақи;
г) завод жиҳозларининг суғуртаси.

4. Корхонанинг ҳисобот йили бошида қуйидаги счетларда қолдиғи бор:

Захиралар	йил бошида	йил охирида
10 Материаллар (тўғри ҳаражатлар)	55.000	65.000
20 Тугалланмаган ишлаб чиқариш	96.000	80.000
40 Тайёр маҳсулот	50.000	85.000

Йил давомида корхона қуйидаги харажатларни амалга оширган:

Материаллар сотиб олинган (тўғри харажатлар)	400.000
Тўғри меҳнат харажатлари	220.000
Умумишлаб чиқариш харажатлари	330.000

Шу мисолда ҳисобот йилида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархи қанча?

а) 921.000
б) 956.000
в) 966.000
г) 979.000

5. Олдинги мисолдаги (4-тест) материаллардан фойдаланиб топингчи, ҳисобот йилида реализация қилинган маҳсулотнинг таннархи қанча?

а) 921.000
б) 956.000
в) 966.000
г) 979.000

6. Корхона ўзининг молиявий ҳисоботида қуйидаги маълумотларни акс эттирган:

реализация ҳажми	- 200.000
ишлаб чиқариш харажатлари	- 80.000 (40% и доимий ҳаражатлар
тижорат ва маъмурий харажатлар	- 100.000 (60% и ўзгарувчан ҳаражатлар)

Материаллар захирасини ҳисобга олмасдан маржинал фойдани ҳисобланг:

а) 92. 000
б) 108.000
в) 120.000
г) Тўғри жавоб йўқ.

7. Қуйидаги қайси ҳолатда маржинал усулни ишлатмаган маъқул?

а) ишлаб чиқариш фаолияти якунланаётган (тугаётган) вақтда;
б) ишлаб чиқариш тузилмаси (структураси) тўғрисидаги савол кўрилаётган вақтда;
в) иккита машинадан бирини сотиб олиш лозим бўлган вақтда;
г) махсус буюртма олиш масаласи кўрилаётган вақтда.

8. Қуйида келтирилган харажатларнинг қайси бири ишлаб чиқариш таннархини ҳисоблашнинг тўлиқ харажат усулида қўлланилади?

а) ўзгарувчан умумишлаб чиқариш харажатлари;
б) доимий умумишлаб чиқариш харажатлари;

в) тўғри материаллар харажати;
г) тўғри меҳнат (иш) ҳақи харажатлари.

9. Корхона ўзгарувчан харажатларни ҳисоблаш усулидан фойдаланади. Ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлиги тўғрисида қуйидаги маълумотлар мавжуд:

материаллар (тўғри харажатлар)	4.40
меҳнат харажатлари (тўғри харажат)	1.60
ўзгарувчан умум ишлаб чиқариш харажатлари	2.30
доимий умум ишлаб чиқариш харажатлари	1.90
ўзгарувчан тижорат харажатлари	3.10
доимий тижорат харажатлари	1.10

Агарда тайёр маҳсулотлар қолдиғи 1.240 бирликни ташкил қилган бўлса, унинг ишлаб чиқариш таннархи қанча бўлган?

а) 10.292
б) 12.648
в) 14.136
г) 17.856

10. Юқоридаги мисолдан (9 тест) фойдаланиб, 10.200 бирлик маҳсулот сотилган бўлса (ҳар бир маҳсулот 25 сўмдан), маржинал фойда миқдори қанча бўлишини кўрсатинг?

а) 108.120
б) 138.720
в) 150.960
г) 170.340

2-МАВЗУ:

“Харажатлар - ишлаб чиқариш ҳажми - фойда” кўрсаткичлари тушунчаси ва уларнинг таҳлили

Мавзунинг мақсади:

Ушбу мавзуда асосий эътибор корхона раҳбарларининг ишбилармонлик фаолияти даражаси ўзгариши билан ишлаб чиқариш харажатлари қандай ўзгариши мумкинлиги, шунингдек харажатларнинг “доимий” ва “ўзгарувчан” деб гуруҳланишига эътибор берилади.

Менежментни ўрганаётган барча раҳбарларнинг эътиборини маҳсулот ҳажми, харажатлар ва фойда кўрсаткичлари ўртасидаги ўзаро муносабат таҳлили доимо тортиб келган. Бу таҳлил натижасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини қоплаш учун ишлаб чиқариш ҳажми қанча бўлиши лозим деган саволга жавоб топилади.

Қисқа ва узоқ муддатли бошқарув қарорларини қабул қилиш учун асос бўлган режалаштириш мақсадига аниқлик киритилади.

2.1. Харажатлар таркиби
(доимий ва ўзгарувчан харажатлар)





! Бу харажат тури рахбарларнинг ишбилармонлик фаолиятига мос равишда ўзгаради, лекин ишлаб чиқилган маҳсулот бирлигига нисбатан ўзгаришсиз қолади

Доимий харажатлар

Ишлаб чиқариш ҳажми ўзгаришидан қатий назар ўзгармайди

1. Махсулот таннархига кирувчи → баъзи умумишлаб чиқариш харажатлари (ижара харажатлари, хисобланилган эскириш суммалари, мол-мулк солиги ва ш.ў.)

2. Давр харажатларига кирувчи →
   - а) маҳсулотлар реализацияси билан боғлиқ айрим харажатлар (реклама харажатлари ва ш.ў ...)
   - а) маъмурий-бошқарув харажатларининг асосий қисми

! Бу харажат тури раҳбарларнинг ишбилармонлик фаолияти ўзгаришига қараб ўзгармайди, лекин маҳсулот бирлигига нисбатан доимо ўзгаради

Ярим ўзгарувчан харажатлар

Бир вақтнинг ўзида ҳам ўзгарувчан, ҳам доимий харажат компонентига эга бўладиган харажатлар.

Масалан, телефон хизмати харажатлари:

а) бир ойлик аниқ тўланиши лозим бўлган сумма -доимий харажат гурухига киритилади;
б) шаҳарлараро ва халқаро сўзлашув харажатлари бўлса, ўзгарувчан харажат гурухига киритилади.

Ўзгарувчан харажатлар





Доимий харажатлар





2.2 Ишлаб чиқариш ҳажми (қуввати)

Ишлаб чиқариш ҳажми (қуввати)

1. Назарий жиҳатдан олиб қаралганда ишлаб чиқариш қуввати → Машина ва жиҳозларнинг бўш турмасдан энг *оптимал режимда* маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти

2. Амалий жиҳатдан олиб қаралганда ишлаб чиқариш қуввати → Назарий қувват (минус) ҳар хил узилишлар (машина, жиҳозларнинг бўш туриб қолиши, таъмирлаш вақти, ишдаги танаффус ва ш.ў.)

3. Ўртача (нормал) қувват → Ишлаб чиқаришнинг реал *имконият даражаси*

! Бошқарув ҳисобини юритишда айрим корхонанинг нормал қувват билан ишлаши инобатга олинади

Ишлаб чиқариш ҳажми билан харажатлар ўртасида (ўзгарувчан харажатлар) ўзаро тўғри чизиқли боғланиш мавжуд (расмга қаранг)



Шу билан биргаликда, бир қанча харажатлар ишлаб чиқариш қуввати билан "тўғри чизиқли боғланишда" бўлмайди (тўғри чизиқсиз боғланиш).

Агарда ҳамма ўзгарувчан харажатлар ишлаб чиқариш қуввати билан тўғри чизиқли боғланишда бўлганда эди, уларни осон таҳдил қилиш, режалаштириш ва тегишли бошқарув қарорларини қабул қилишда ишлатиш мумкин бўлар эди.

Тўғри чизиқсиз боғланган харажатларни режалаштириш қийин, лекин уларни ҳам бошқарув қарорларини қабул қилишда ҳисобга олиш зарур.

"Чизиқли апроксимация" (ёки "релевант даражаси усули") усулидан фойдаланиш худди ана шундай чизиқсиз боғланган харажатларни чизиқли боғланишга мослашишини таъминлайди (расмга қаранг).

Релевант даражаси усули - бу ишбилармонлик фаоллигини аниқлаш усулидир. Бу усулда чизиқсиз боғланган харажатлар шартли равишда чизиқли боғланишга мослаштирилади:



Ишлаб чиқариш ҳажмининг релевант даражаси оралиғида доимий харажатлар ўзгаришсиз қолади.

Лекин, нисбатан узоқроқ муддат олинадиган бўлса, доимий харажатлар ҳам ўзгаради (жиҳозлар, меҳнат ресурслари ва бошқа ишлаб чиқариш омилларининг ўзгариши).

Бошқариш мақсадлари учун, одатда, маълум вақт оралиғи олинади. Фараз қилинадики, мана шу вақт оралиғида доимий харажатлар ўзгаришсиз қолади. Доимий харажатлар ўзгарадиган бўлса, релевант даражасининг янги чизиғи пайдо бўлади (расмга қаранг).



2.3. "Харажатлар - ҳажм - фойда" тушунчасининг таҳлили

"Харажатлар - ҳажм - фойда" таҳлили бу -

- ишлаб чиқариш фаолиятини режалаштириш ва назорат қилишдаги бошқарувнинг энг асосий қуроли;
- харажатлар, ишлаб чиқариш ҳажми ва фойданинг ўзаро боғлиқлиги таъсири натижасида харажатларнинг қандай ўзгариши мумкинлигини аниқлаш усули;
- асосий модул бўлиб, раҳбарларнинг қисқа муддатли режалар қабул қилиш имкониятини яратади;
- мавжуд бир нечта альтернатив вариантлар ичидан энг самаралисини танлаб олиш имкониятини беради.

Амалиётда "харажатлар - ҳажм - фойда"нинг ўзаро боғлиқлигини график тарзда, турли формулалар ёки жадваллар кўринишида ҳам (қайсиниси қулай бўлса) изоҳлаш мумкин.



Харажатлар - ишлаб чиқариш ҳажми ва фойданинг ўзаро боғлиқлиги

Харажатлар, ишлаб чиқариш ҳажми ва фойда ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг формулада ифодаланиши

Реализациядан тушган тушум (ҳажм)	=	Ўзгарувчан харажатлар	+	Доимий харажатлар	+	Фойда

Критик нуқта формуласи

Реализациядан тушган тушум	=	Ўзгарувчан харажатлар	+	Доимий харажатлар

Ёки

$$\text{Сотилган маҳсулот бирлигига тўғри келадиган критик нукта} = \frac{\text{Доимий харажатлар}}{\text{Баҳо} \times \text{Шу бирлик маҳсулотининг ўзгарувчан харажати}}$$

Мисол.

Корхона ёзув столлари ишлаб чиқаради. Бир дона столнинг ўзгарувчан харажатлари – 50, доимий харажатларнинг умумий суммаси, ҳисобот даврида – 20000. Бир дона махсулотнинг сотилиш баҳоси - 90 сўм.

Бу ерда реализация ҳажмини аниқлаш учун қуйидаги тенглик келиб чиқади:

$90 \times X = 50 \times X + 20000$
$40 \times X = 20000$
$X=500$

ёки, пул бирлигида

90 x 500 = 45000

Ушбу мисолнинг графикаси қуйидагича бўлади:



Иллюстратив мисол

Корхона раҳбарлари янги маҳсулот турини ишлаб чиқаришни режалаштирмоқдалар. Бу маҳсулот турига жуда катта талаб бўлиши кутилаяпти. Шу маҳсулот турининг бир бирлигини ишлаб чиқаришда ўзгарувчан харажатлар қуйидагича ҳисобланилди:

* Тўғри моддий (материал) харажатлар	1850
* Тўғри иш ҳақи харажатлари	425
* Ёрдамчи материаллар	110
Тижорат харажатлари	280
Бошқа харажатлар	195
Жами	2860
Доимий харажатлар:	
* Жиҳозлар ва бинолариинг эскириши	36000
* Реклама харажатлари	45000
* Бошқа доимий харажатлар	11400
Жами	92400

Корхона раҳбарлари маҳсулотни (бир дона) 5500 сўмдан сотмоқчи.

Талаб қилинади:

1. Маржинал усулдан фойдаланиб, корхона учун:
   а) критик нуқта;
   б) 70224 пул бирлигидаги фойда суммасини олиш учун қанча миқдорда маҳсулот ишлаб чиқиши лозимлигини топинг.

2. Шу маълумотлардан келиб чиқиб, корхона 139520 пул бирлигидаги (п.б.) фойда олиши учун қанча маҳсулот

ишлаб чиқиши лозимлигини топинг. Фараз қилингки, реклама харажати яна 40000 п.б. ўсган.

3. Фараз қилайлик, 10000 дона маҳсулот тури ишлаб чиқилган. Шу ҳолатда корхона 131600 п.б. фойда олиши учун маҳсулотни қайси баҳода сотиши лозим.

4. Маркетинг бўйича мутахассис фикрича шу маҳсулот турини сотиш ҳажми бир йилда 15000 донага етиши мумкин. Агарда маҳсулот бирлигининг баҳоси 5200 п.б. бўлиб, шунга тўғри келадиган ўзгарувчан харажатларни камайтириш имконияти бўлмаса, корхона 251 000 п.б. фойда олишини режалаштириб, яна реклама харажатлари учун қанча маблағ сарфлаши мумкин?

Ечими:

1. а) **Критик нуқта** = 92400:(5500 - 2860)
= 92400:2640
= 35 бирлик маҳсулот

б) **Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми** =(92400+70224): 2640
=162 624 : 2640
= 61 бирлик маҳсулот

2. (92400+40000+139520):2640=271920: 2640= 103 маҳсулот бирлиги.

3. Бу ерда маҳсулот бирлигининг келажакда сотилиш баҳоси "Х" деб белгилаб олинищи лозим.

Шунда,
10000 = (92400+131600) : (X-2860)
10000 x (X - 2860)=224000
10000 x X=224000+28600000
X= 2884 п.б. (бахоси)

4. Бу ерда, "X" доимий харажатлар деб белгилаб олиниши лозим.

Шунда,
15000=(X+251000): (5200-2860)=(X+251000) : 2340
15000 x 2340=X+251000
X=15000 x (2340) - 251000
X=351000 - 251000
X=100000 п.б.

Демак, доимий харажатларнинг янги миқдори - 100000 п.б. бўлиши кутилади.
100,000 - 92400 (дастлабки доимий харажатлар)=7600 п.б.
Ушбу сумма, реклама учун қўшимча сарфланиши мумкин бўлган маблағ миқдоридир.



Тест саволлари:

1 Релевант даражаси оралиғида бир дона маҳсулот турига тўғри келадиган ўзгарувчан харажатлар:

а) ҳар бир ишлаб чиқариш ҳажмида турлича бўлади;
б) ҳар бир ишлаб чиқариш ҳажмида ўзгармасдан қолади;
в) ҳар бир ишлаб чиқариш ҳажмига қараб пропорционал ўзгаради;
г) тўғри жавоб йўқ.

2. Корхона ўз фаолиятини келгуси йилга режалаштиришда, реализация ҳажмини 6.000.000 п.б. етказиш учун қуйидаги маълумотларни тайёрлади:

№	Харажатлар тури	ўзгарувчан харажатлар (п.б.)	доимий харажатлар (п.б.)
1.	Тўғри моддий харажатлар	1.600.000	-
2.	Тўғри иш ҳақи харажатлари	1.400.000	-
3.	Умумишлаб чиқариш харажатлари	600.000	900.000
4.	Маркетинг харажатлари	240.000	360.000
5.	Маъмурий бошқарув харажатлари	60.000	40.000
	ЖАМИ:	3.900.000	1.300.000

Шу мисолда критик нуқта пул бирлигида қанчага тенг бўлади?

а) 2.250.000
б) 4.000.000
в) 3.500.000
г) 5.300.000

3. Корхона 200.000 дона маҳсулот сотишни режалаштирмоқда. Шундан доимий харажатлар - 400.000 п.б. ва ўзгарувчан харажатлар - сотиш баҳосининг 60% ташкил қилган. Корхона 100.000 п.б.да фойда олиши учун, сотилаётган маҳсулот бирлиги (донаси)нинг баҳоси қандай бўлиши керак:

а) 3.75 п.б.
б) 4.17 п.б.
в) 5.00 п.б.
г) 6.25 п.б.

4. Корхона ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳар бир донасини 27 п.б.да сотмоқчи. Ҳар бир дона маҳсулотга тўғри келадиган ўзгарувчан харажатлар - 15 п.б.ни, доимий харажатлар бир ойга 197.040 п.б. ташкил қилади. Шу вазиятда сотишнинг критик нуқтаси неча дона маҳсулот бирлигига тенг?

а) 16420
б) 11.590
в) 11.950
г) 16.240

5. 4-тест материалидан (мисолдан) фойдаланиб, маҳсулот реализациясининг критик нуқтаси ҳажмини пул бирлигида топинг.

а) 312.930
б) 322.650
в) 443.340
г) 438.480

6 4-тест саволи материалларидан фойдаланиб топингчи, корхона 6.000 п.б. фойда олиши учун (бир ойда) неча дона маҳсулот сотиши керак бўлади?

а) 12.450 дона
б) 16.740 дона
в) 12.090 дона
г) 16.920 дона

7. 4-тест саволи материалларидан фойдаланиб топингчи, корхона бир ойда реклама харажатларини яна қўшимча 15.000 п.б. кўпайтириб, 9.000 п.б. фойда олиши учун, ўша ойда неча дона маҳсулот сотиши *лозим?*

а) 18.240 дона
б) 18.420 дона
в) 13.590 дона
г) 13.950 дона

Масалалар ва муаммолар

1. Реализация (маҳсулотни сотиш) таркибини аниқлаш ва танлаш.

Фараз қилайлик, корхона, ручкалар ишлаб чиқаради ва сотади. Ҳар бир дона ручкага тўғри келадиган ўзгарувчан харажатлар - 3 п.б., доимий харажатлар - Ғ.

а) корхона ҳар бир ручкани 5 п.б.да жами 600.000 ручка сотиб 200.000 п.б. миқдорида фойда кўриши мумкин.

б) ёки 350.000 дона ручкани 6 п.б.да ва яна 200.000 донасини 4 п.б.да сотиши мумкин.

Корхона шу иккала вариантнинг қайси бирини танлайди?

2. Фойдани ҳисоблаш ва баҳони режалаштириш

Корхона жуда юқори рейтингга эга. Менежер бозорда салмоқли улуш олиш учун ҳаракат қилаяпти. Ҳар бир сотилаётган маҳсулотнинг баҳоси 5 п.б., бу баҳо бозорда сотилаётган худди шундай маҳсулотларнинг баҳосидан анча паст. Маҳсулотнинг бир донасига тўғри келадиган ўзгарувчан харажатлар 4.50 п.б., доимий харажатларнинг миқдори шу йили 600.000 п.б.ни ташкил қилган.

Талаб қилинаяпти:

а) фараз қилайлик, корхона шу йили 1.000.000 дона маҳсулот сотиши мумкин. Шу ҳолатда корҳонанинг фойдаси қанча бўлади?

б) менежер бозорда режалаштирган мавқеини эгаллади деб фараз қилайлик. Шу вақтда корхона 30.000 п.б. фойда олиши учун бир дона маҳсулотнинг нархини неча п.б.да белгилаши лозим.

3.Критик нуқта таҳлили

Режалаштирилаётган йилда сотилиши мўлжалланаётган маҳсулот бўйича қуйидаги маълумотлар мавжуд:

№	Бир дона маҳсулотга тўғри келадиган ўзгарувчан харажатлар	п.б.да
1	Тўғри моддий харажатлар	2.300
2	Тўғри иш ҳақи харажатлари	800
3	Умум ишлаб чиқариш харажатлари	600
	Реализация харажатлари	500

№	Жами доимий харажатлар	п.б.да
1	Умум ишлаб чиқариш харажатлари	195.000
2	Реклама харажатлари	55.000
3	Маъмурий-бошқарув харажатлари	68.000

Сотилиш баҳоси - 96.000

Талаб қилинади:

1. Режалаштирилаётган йил учун критик нуқтани ҳисоблаш.
2. Шу йили 65 дона маҳсулот сотилган бўлса, корхона қанча фойда кўрган?
3. Корхона менежери келгуси йил учун режалар тузмоқда:
   а) корхона 95,400 п.б.да фойда олиш учун қанча маҳсулот сотиши лозим.
   б) сотиш (реализация) ҳажми 20% кўпайиб, бир дона маҳсулотнинг баҳоси 0.500 п.б. камайса, фойда қанчани ташкил қилади?
   в) реклама харажатлари 47.700 п.б.га кўпаядиган бўлса, критик нуқтани топинг.

Барча вариантлар бир-бирига боғланмай, мустақил ечилиши кўзда тутилган.

Вазиятли мисоллар

Корхона режалаштирилаётган йилда янги маҳсулот турини ишлаб чиқармоқчи. Бу эса кўпроқ қўшимча маблағлар ёки қўшимча меҳнат харажатларини кўпайтириш усули орқали амалга оширилиши мумкин. Лекин, иккала усулнинг қайси бирини танлашдан қатъи назар маҳсулотнинг сифати ўзгармайди.

Қуйидаги маълумотлар мавжуд:

		Қўшимча маблағ сарфи усули (п.б.)	Қўшимча меҳнат сарфи усули (п.б.)
1.	Хом ашё	5.00	5.60
2.	Тўғри меҳнат харажатлари	0.5 иш соати 12 дан = 6.00	0.8 иш соати 9 дан = 7.20
3.	Ўзгарувчан умум ишлаб чиқариш харажатлари	0.5 иш соати 6 дан = 3.00	0.8 иш соати 6 дан = 4.80
4.	Қўшимча доимий умум ишлаб чиқариш харажатлари	2.440.000	1.320.000

Бир дона маҳсулотнинг реализация баҳосини 30 п.б.да белгилаш қабул қилинган. Фараз қилинаяптики, маҳсулот қайси усулда ишлаб чиқилишидан қатъи назар йиллик тижорат харажатлари 500.000 п.б.ни ва ҳар бир дона сотилган маҳсулотга яна қўшимча 2 п.б.ни ташкил қилади.

Талаб қилинаяпти:

1. Иккала усул бўйича ҳам корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариши бўйича критик нуқтасини ҳисоблаб топиш;

   а) Қўшимча маблағли усул
   б) Қўшимча меҳнатли усул;

2. Иккала усулда ҳам корхона учун бир хил бўлиши мумкин бўлган маҳсулотлар реализацияси ҳажмини аниқлаш.

3. Қайси ҳолатда шу усулнинг қайси бирини қўллаш мумкинлигини тушунтириб беринг.

3-МАВЗУ.

Харажатлар тақсимоти. Маҳсулотлар таннархини калькуляция қилиш ва харажатларни ҳисобга олиш

Мавзунинг мақсади:

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бирлигининг таннархини ҳисоблаш - бошқарув ҳисобининг асосий вазифасидир. Айнан ана шу маҳсулот бирлигига тўғри келаётган таннарх миқдори жуда кўпчилик ҳолларда бошқарув қарорларининг қабул қилинишига асос бўлади.

Маҳсулот таннархи тўғрисидаги объектив маълумот, корхонанинг сўзсиз муваффақиятини таъминлаши бир қанча сабабларга (омилларга) асосланади:

таннарх, энг аввало маҳсулотга баҳо белгилаш, сотиш баҳосини аниқлаш; таннарх, келгусида бутун хўжалик фаолиятини режалаштириш; юзлаб оператив қарорларнинг қабул қилинишига асос бўлади. Ушбу мавзуда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг таннархини аниқлашда жуда кўп қўлланиладиган усуллардан иккитасининг хусусияти тўғрисида фикр юритилади:

- маҳсулотлар таннархини калькуляция қилишнинг буюртмали усули;
- маҳсулотлар таннархини калькуляция қилишнинг жараёнли усули.

Бу борада асосий эътибор ҳисобни ташкил қилиш техникасига, бухгалтерия ёзувларига ва бухгалтерия-ўзаро алоқаларига ҳам қаратилади.

3.1. Харажатларни тақсимлаш тартиби ва усули



Бир дона маҳсулотнинг таннархини аниқлашда таннархни калькуляция қилиш лозим бўлади

Таннархни калькуляция қилишда харажат турлари хусусиятидан келиб чиқиб, қуйидаги учта усулдан бири танланиши мумкин.

Таннархни барча харажатлар бўйича ҳисоблаб топиш	Таннархни калькуляция қилишнинг "тўлиқ харажатлар" усули (absorprtion costing)
Таннархни фақат ўзгарувчан харажат тури бўйича ҳисобга олиш	Таннархни калькуляция қилишнинг "директ-костинг" усули (direct costing)
Таннархни белгиланган харажатлар нормаси миқдорида ҳисобга олиш	Таннархни калькуляция қилишнинг "норматив харажатлар" усули (standard costing)

!	Бу усулларнинг хар бири турли хил бошқарув қарорларини қабул қилиш учун асос бўлади.



Ана шундай маҳсулот бирлигининг таннархини ($МБ_т$) қуйидаги формула орқали ҳисоблаш мумкин:

$$МБ_т = \frac{\text{Ишлаб чиқариш таннархи}}{\text{Тайёр маҳсулотлар сони}}$$

!

Маҳсулотлар таннархини ҳисоблашда вужудга келадиган барча муаммоларни таннархни калькуляция қилишнинг буюртмали ва жараёнли услубларини қўллаб ечиш мумкин.

3.2. Таннархни калькуляция қилишнинг буюртмали усули.

Харажатларни ҳисобга олиш ва таннархни калькуляция қилишнинг буюртмали усули

Бу алохида буюртмалар бўйича, шунингдек, бир марталик маҳсулот тури ишлаб чиқарилаётган пайтда қўлланилади

Бу усулда харажатлар бирон бир ҳисобот даври оралиғида эмас (бир ойда, кварталда,йилда), балки бажарилаётган буюртма даври бўйича аникланади

Харажатларни ҳисобга олиш учун фақат битта, 20 - "Тугалланмаган ишлаб чиқариш" (Work in Process) счетидан фойдаланилади

Қўшимча аналитик маълумотларни йиғиб бориш учун буюртмалар карточкасидан фойдаланиш мумкин.

Айнан шу буюртмалар карточкасида харажатлар тегишли-масъул бўлимлар бўйича йиғилиб боради

! Бу усулда барча тўғри харажатлар ишлаб чиқарилган ёки бажарилган буюртма бирлигига олиб борилади. Лекин, умум ишлаб чиқариш харажатлари махсус усуллар бўйича аниқланади ва таннархга олиб борилади. Бу усуллардан кўп қўлланиладигани - умум ишлаб чиқариш харажатларини тақсимлашнинг норматив коэффициентлар усулидир..

Коэффициентларни хисоблаш уч боскичда амалга оширилади

1-боскич — Умум ишлаб чикариш харажатлари режасининг йиллик бюджети тузилади

Харажатларнинг умумий суммаси (микдори) назарда тутилаётган ишлаб чикариш хажмига қараб аникланади

2-боскич — Умум ишлаб чикариш харажатларини тақсимлаш асоси (базаси) аникланади

Бунда қуйидаги базалардан фойдаланиш мумкин:
- ишчиларнинг иш ҳақига нисбатан;
- сарфланган "киши-соат" микдорига нисбатан;
-"машина-соат" микдорига нисбатан;
- ва ш.ў.

3-боскич — Режалаштирилаётган давр учун аникланган умум ишлаб чикариш харажатлари суммаси режалаштирилган ишлаб чикариш хажмига бўлинади

Натижада, п.б.да, соатда ва бошқа исталган кўрсаткичда аникланиши мумкин бўлган умум ишлаб чикариш харажатларининг норматив коэффициенти вужудга келади.

1-мисол

Корхона умумишлаб чиқариш харажатларини тўғри иш ҳақи харажатларига пропорционал тарзда, соат бирлигида аниқламоқчи.

Режалаштирилаётган йилга умумишлаб чиқариш харажатларининг умумий суммаси - 20.000, тўғри меҳнат (иш ҳақи) харажатлари - 4.000 соат.

Шу ерда умумишлаб чиқариш харажатларининг норматив коэффициенти (20.000 : 4.000) = 5 (п.б./соат)га тенг бўлади.

Фараз қилайлик, буюртмалар карточкасида қилинган харажатлар тўғрисида қуйидагича маълумотлар мавжуд:

1	- ҳақиқий материал харажатлар	10.000
2	- ҳақиқий ҳисобланган иш ҳақи харажати (700 соат)	17.000
3	- ҳисобдан чиқарилиши лозим бўлган умумишлаб чиқариш харажатлари (5 п.б.х 700 соат)	3.500
	ишлаб чиқариш таннархи	30.500

Қуйидаги бухгалтерия счётларидан фойдаланиб шу усул моҳиятини кейинги мисолда яна бир марта кўриш мумкин

счет рақами	Бухгалтерия счетининг номи
10	"Материаллар"
20	"Тугалланмаган ишлаб чиқариш"
25	"Умум ишлаб чиқариш харажатлари"
40	"Тайёр маҳсулот"
46	"Реализация"

50	" Касса"
51	"Ҳисоб-китоб счети"
62	"Харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар"
67	"Бюджетдан ташқари фондларга ажратмалар"
68	"Бюджет билан соликлар бўйича ҳисоб-китоблар"
69	"Социал суғурта ажратмалари"
70	"Ишчи хизматчилар билан иш ҳақи бўйича ҳисоб китоблар"
88	"Махсус фондлар"

2-мисол

Буюртма бўйича икки хил "А", "Б" маҳсулотлари тайёрланаяпти.

т/р	Жараёнлар мазмуни	счётлардаги ёзув		сумма (п.б.)
		Дебет	Кредит	
1	2	3	4	5
1	1 - жараён Корхона кредитга 95.600 п.б.да, асосий материаллар ва 5.100 п.б.ёрдамчи материаллар харид килди	10.0 10.2	60 60	95.600 5.100
2	2 - жараён Буюртма бўйича омбордан цехга 84.000 п.б.асосий материаллар ва 19.800 п.б.да ёрдамчи материаллар чикарилган. Шундан: "А" маҳсулотта - 51.800 "Б" маҳсулот учун - 32.200 84.000	20 25	10.1 10.2	84.000 19.800

3	3 - жараён Ишчиларга ва цех маъмурий бошқарув ходимларига иш ҳақи ҳисобланган	88.1 88.1 88.1	67 68 70	6.480 14.000 129.520 150.000
4	4 - жараён Ишчиларга ва бошқарув ходимларига иш ҳақи берилган	70	50	129.520
5	5 - жараён Ҳисобланган иш ҳақидан ишчиларники "тўғри иш ҳақи харажатларига", маъмурий бошқарув ходимлариники "умум ишлаб чиқариш харажатларига" олиб борилиши лозим.Шундан: "А" маҳсулот учун - 87.000 "Б" маҳсулот учун - 28.000	 20 25	 88.1 88.1	 115.000 35.000 150.000
	6 - жараён Фараз қилайлик, шу даврда умум ишлаб чиқариш харажатларидан яна қуйидагилари амалга оширилган: а) электроэнергия харажатлари - 10.200 б) жиҳозлар учун харажатлар - 18.400 в) суғурта харажатлари - 7.300 г) мулк солиғи - 6.450 жами : 42.350 6 - жараён Шу харажатларнинг ҳаммаси тўланган (счетларга асосан)	25	51	42.350
7	Умум ишлаб чиқариш харажатлари тўғри меҳнат харажатларининг 85%ни ташкил қилади деб норматив коэффициент қабул қилинган. Шунга мувофиқ (115.0 х 85%)=97.750 100.	20	25.1	97.750

	Шундан: "А" (87.000 х 85%)= 73950 "Б" (28.000 х 85%) =23.800			
8	7 - жараён Тайёр маҳсулот омборга кирим қилинади. Шу вақтда буюртманинг карточкаси ёпилади. "А" махсулотининг баҳоси (таннархи) 212.750 п.б.ни ташкил қилади	40	20	212.750
9	Корхона буюртмачиларга 10 дона "А" маҳсулотни жўнатган. Уларнинг таннархи 177.292 п.б.ни ташкил қилиб, сотилиши баҳоси - 270.000 п.б. бўлган	62 46	46 40	270.000 177.292
10	Ҳисобот даврининг охирида "25" ва "25.1" счетлар таққосланиб кўрилади.("25" - умум ишлаб чиқариш харажатлари) Мисолимизда: "25.1" счетда = 97.150 (51800+87.000+73.950) "25.1" счетда=97.750 (норматив коэффициент) фарқи = 600 п.б. 8-жараён Ана шу фарқ суммасини хисобга олиш лозим	 25.1 25.1	 46 25	 600 97.150
11.	Мабодо ана шу 600 п.б.корхона учун катта аҳамиятга эга бўлса, у ҳолда шу миқдор (600) учта счет (20, 40, 46) бўйича тақсимланиши лозим.			
	Бундай пайтда 10 пунктдаги бухгалтерия ёзуви бошқача ёзилади (кейинги жадвалга *қаранг*):	25.1 25.1 25.1 25.1	20 40 46 25	196.80 67.20 336.00 97.150.00
	Жами			97.750.00

11 пунктнинг ҳисоб-китоби қуйидаги жадвал кўринишида амалга оширилади

т/р	Счетларинг рақами	счетлардаги қолдиқ		суммаси
		Суммаси	улуши % да	
1.	"20" - тугалланмаган ишлаб чиқариш	104,000	32.80	196.80
2.	"40" - тайёр маҳсулот	35,458	11.20	67.20
3.	"46" - реализация қилинган маҳсулот таннархи	177,292	56.00	336.00
	Жами	316,750	100%	600.00 п.б.

3.3. Таннархни калькуляция қилишнинг жараёнли усули



Иллюстратив мисол



Мисол

Фабрика пластмассали ўйинчоқлар ишлаб чиқаради. Ишлаб чиқариш икки босқичда амалга оширилади: шакл бериш (А цехда) ва қайта ишлаш (В цехда). Асосий материаллар тўлиқ А цехдаги ишлаб чиқариш учун сарфланади. Қўшилган харажатлар бўлса, тенг миқдорда иккала цехда ҳам амалга оширилади. Тайёр маҳсулот омборга топширилади.

Қуйидаги маълумотлар мавжуд

Ҳисобот даври бошидаги тугалланмаган ишлаб чиқариш		10.000 дона
Асосий материаллар	4.000 п.б.	
Қўшилган харажатлар (40% якунланган)	1.110 п.б.	5110 п.б.
Ҳисобот даврида ишлаб чиқилган		48.000 дона
Шу даврда қўшимча (тўлиқ) ишлов берилганлари		40.000 дона
Давр охиридаги тугалланмаган ишлаб чиқариш (50% тугалланган)		2.000 дона
Ҳисобот даврида жўнатилганлари		22.000 п.б.
Шу даврдаги қўшилган харажатлар:		
* тўғри меҳнат (иш ҳақи) харажатлари * тўғри умумишлаб чиқариш харажатлари	6.0 п.б. 12.000 п.б.	18.000

Талаб қилинади:

1. "А" цехда ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлигининг таннархини ҳисоблаш.
2. А" цехдан "В" цехга берилган ярим тайёр (полуфабрикатлар) маҳсулотлар ҳамда "А" цехда қолган тугалланмаган ишлаб чиқаришни ҳисоблаш.
3. Шу жараёнларнинг бухгалтерия ёзувини ёзиш.

ЕЧИМИ:

а) Қўшилган харажатлар (тугалланмаган ишлаб чиқариш бўйича) = Маҳсулот бирлиги x (100 - Якунланганлари фоизи)

б) Ҳисобот даврида бошланган ва тугатилган маҳсулот бирлиги = 40.000 - 2.000 = 38.000 дона

в) Материал харажатлар бўйича давр охирида қолган тугалланмаган ишлаб чиқариш = $\frac{2.000 \times 50.000 \text{ дона}}{100} = 1.000$

1-жадвал

Шартли ишлаб чиқариш ҳажми ҳисоб-китоби

	Ҳисобга олиниши лозим бўлган бирлик	шартли бирлик	
		материал харажатлари	қўшилган харажатлар
Ҳисобот даври бошидаги тугалланмаган ишлаб чиқариш (40%)	10.000	-	6.000
Ҳисобот даврида бошланган ва тугатилган маҳсулот бирлиги	38.000	38.000	38.000
Ҳисобот даври охирида қолган тугалланмаган ишлаб чиқариш (50%)	2.000	2.000	1.000
Жами	50.000	40.000	45.000

Кейинги босқич, яъни ишлаб чиқилган маҳсулот бирлигининг таннархи таҳлили ҳар бир дона маҳсулот учун алоҳида-алоҳида ҳам материал харажатларни, ҳам қўшилган харажатларни ҳисоблаш имконини беради.

2-жадвал

Маҳсулот бирлигининг таннархи таҳлили

	Харажатлар (п.б.)			шартли бирлик (дона)	бир бирлик харажати (п.б.)
	бошланғ-ич захира	жорий даврдаги	Жами		
Материал харажатлар	4.000	22.000	26.000	40.000	0.55*
Қўшилган харажатлар	1.110	18.000	19.110	45.000	0.40 **
ЖАМИ	5.110	40.000	45.110	X	0.95***

* - 22.000: 40.000 =0.55
** - 18.000: 45.000= 0.40
*** - 0.55 + 0.40 = 0.95

3-жадвал

Умумий (якуний) таннарх таҳлили

	Тайёр маҳсулот	Тугалланмаган ишлаб чиқариш
1. Бошланғич захира давр бошига қолдиқ (п.б.)	5.110	
Ишлаб чиқаришни якунлаш учун сарф қилинган харажатлар (6.00 дона x 0.40)	2.400	
2.Ҳисобот даврида бошланган ва тугатилган (38.000 дона x 0.95) харажатлар	36.100	
3. Охирги захира Материал харажатлар бўйича (2.000 x 0.55)		1.100
Қўшилган харажатлар бўйича (1.000 x 0.40)		400
ЖАМИ (п.б.)	43.610	1.500

Текшириш: 43.610 + 1.500 = 45.110 (2-жадвалга қаранг)

Бухгалтерия ёзуви		
Дебет	Кредит	Суммаси
20 "В"	20 "А"	43.610

Иллюстратив мисол

Корхона буюртмалар бўйича маҳсулот ишлаб чиқаради. Бухгалтер анча вақтдан буён йўқ. Махсус жадваллар тузилмаган. Ўзингиз маҳсулот таннархини ҳисоблашингиз лозим.

Қуйидаги маълумотлар мавжуд

Ҳисобот даври бошига	
Материаллар	40.420
(Б-2 буюртма) бўйича тугалланмаган ишлаб чиқариш	59.100
(Б-1 буюртма) бўйича тайёр маҳсулот	71.700
Давр мобайнида буюртмаларни бажариш учун сарфланган материаллар	
Б-2 буюртма учун	17.000
Б-4 буюртма учун	42.800
Б-6 буюртма учун	54.500
Давр мобайнида иш ҳақи харажатлари қуйидагича бўлган	
К-2 буюртма бўйича	35.300
К-4 буюртма бўйича	43.480
К-9 буюртма бўйича	65.600

Умумишлаб чиқариш харажатларининг норматив коэффициенти иш ҳақи харажатларига нисбатан 150% миқдорида белгиланган.

а) Б-2, Б-4 буюртмалар тугатилган.

б) Б-1, Б-2 буюртмалар харидорларга жўнатилган.

в) Б-1 буюртма - 3.000 бирлик маҳсулот;

Б-2 буюртма - 5.500 бирлик маҳсулот;

Б-4 буюртма - 4.800 бирлик маҳсулот.

Талаб қилинади:

1 Б-1, Б-2, Б-4 буюртмалар бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулот бирликларининг таннархини ҳисобланг.
2 "Тугалланмаган ишлаб чиқариш", "Тайёр маҳсулот" ва "Реализация қилинган маҳсулот таннархи" ҳисоб-китобидаги қолдиқни ҳисобланг.

Ечими

1.

Б-1 буюртмаси

Бир дона маҳсулот таннархи	71.700:3.000=23.90

Б-2 буюртмаси

Буюртма таннархи, жами	164.350
а) давр бошида тугалланмаган ишлаб чиқариш	59.100
б) тўғри материал харажатлар	17.000
в) тўғри иш ҳақи харажатлари	35.300
г) умумишлаб чиқариш харажатлари $\frac{150\% \times 35.300}{100\%}$	52.950
Бир дона маҳсулот таннархи	(164.500:5.500)=29,88

Б-4 буюртма

Буюртма таннархи, жами	151.500
тўғри материал харажатлар	42.800
тўғри иш ҳақи харажатлари	43.480
умумишлаб чиқариш харажатлари (150% x 43.480) / 100%	62.220
Бир дона маҳсулот таннархи (151.500:4.800)	31,56

2.

Б-6 буюртма

Буюртма таннархи, жами	218.500

шу жумладан,

тўғри материал харажатлар	54.500
тўғри иш ҳақи харажатлари	65.600
умум ишлаб чиқариш харажатлари (150% x 65.600)	98.400

а) Кўриниб турибдики, Б-6 буюртма тугалланмаган, шунинг учун шу буюртма таннархи - 218.500 п.б., бу - "тугалланмаган ишлаб чиқариш" (20-счёт);

б) Б-4 буюртма тугатилган, лекин харидор, яъни буюртмачига жўнатилмаган, шунинг учун шу буюртма таннархи 151.500 - бу "тайёр маҳсулот" (40-счет);

в) Б-1 ва Б-2 буюртмачиларга жўнатилган, шунинг учун 236.050 (71.700+164.350), бу - реализация қилинган маҳсулот таннархи (46-счет)

Тест саволлари

1 Буюртмали усул бўйича таннархни калькуляциялаш жараёнида умумишлаб чиқариш харажатларини ҳисобдан чиқариш учун:

а) 20-счёт кредитланади;
б) 25-счёт кредитланади;
в) 25-счёт дебитланади;
г) 40-счёт дебитланади.

2 Умумишлаб чиқариш харажатларини тақсимлашнинг норматив коэффициенти бу:

а) Ҳақиқий умумишлаб чиқариш харажатларининг, ҳақиқий ишлаб чиқариш ҳажмига нисбати;
б) Ҳақиқий умумишлаб чиқариш ҳаражатларининг режалаштирилган ишлаб чиқариш ҳажмига нисбати;
в) Режалаштирилган умумишлаб чиқариш харажатларининг, ҳақиқий ишлаб чиқариш ҳажмига нисбати;
г) Режалаштирилган умумишлаб чиқариш харажатларининг, режалаштирилган ишлаб чиқариш ҳажмига нисбати.

3. Корхона бўлажак даврга умумишлаб чиқариш харажатларини - 255.000 п.б.да режалаштирган. Режалаштирилган тўғри иш ҳақи харажатлари - 100.000 киши-соат. Давр охирида умумишлаб чиқариш харажатлари бўйича қолдиқ - 270.000 п.б. бўлган. Ҳақиқий иш ҳақи харажатлари - 105.000 киши-соатни ташкил қилган. Шу ҳолатда умумишлаб чиқариш харажатлари кўп ёки кам ҳисобдан чиқарилганлигини топинг.

а) 2.250 п.б. кўп;
б) 2.250 п.б. кам;
в) 15.000 п.б. кўп;
г) 15.000 п.б. кам.

4. Корхона ҳисобот даврида 3.000 дона маҳсулот ишлаб чиққан ва тугалланмаган ишлаб чиқариш - 400 донани ташкил қилган. Қўшилган харажатлар 10%га ниҳоясига етказилмаган (тугалланмаган), материал харажатлар сарфи эса 100% ниҳоясига етказилган. Давр бошида тугалланмаган ишлаб чиқариш бўлмаган. Харажат турлари бўйича маҳсулот бирлигини топинг.

а) қўшилган харажатлар бўйича - 3.400 дона
материал харажатлар бўйича - 3.360 дона;
б) 3.360 қўш. ва 3.400 мат. харажат.
в) 3.040 дона кўш. ва 3.400 мат.харажат;
г) тўғри жавоб йўқ.

5. Корхона ҳисобот даврида 2500 дона маҳсулот ишлаб чиққан ва тугалланмаган ишлаб чиқариш - 500 донани ташкил қилган. Қўшилган харажатлар 30%га якунланган, материал харажатлар 100%га якунланган. Давр бошида тугалланмаган ишлаб чиқариш бўлмаган. Материал харажатлар иш даврида 9.300 б.п.ни ташкил қилган. Қайта ишлаш харажатлари суммаси - 5.300 п.б. Ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархини ҳисоблаб топинг.

а) 13.050 п.б.;
б) 12.785 п.б.;
в) 13.450 п.б.;
г) тўғри жавоб йўқ;

6. Маҳсулотлар таннархини жараёнли усул билан калькуляция қилишда корхона нечта 20-счетдан (тугалланмаган ишлаб чиқариш) фойдаланади

а) ишлаб чиқарилаётган маҳсулот миқдори ва турига боғлиқ;
б) фақат битта;
в) ҳар бир ишлаб чиқариш бўғинига (бўлимига) биттадан;
г) ҳамма вақт иккита.

7. Қўшилган харажатлар - бу

а) умумишлаб чиқариш ва иш ҳақи харажатлари;
б) тўғри материал ва тўғри иш ҳақи харажатлари;
в) ҳамма ишлаб чиқариш харажатлари;
г) ҳамма давр харажатлари.

Вазиятли масалалар.

Охирги 3-4 йил мобайнида учта корхона спиртсиз ичимликлар ишлаб чиқариш соҳасида асосий мавқени, бозорнинг 85% дан кўпроғини эгаллаб келмоқда. "А" корхона ўтган йили 27.450.000 п.б. миқдорида маҳсулот реализация қилиб, иккинчи ўринни эгаллаган. Корхона менежери янги маҳсулот турини ишлаб чиқаришни жорий қилмоқчи. Бундай маҳсулот тўлиқ битта цехда ишлаб чиқарилиши мумкин. Янги ишлаб чиқарилиши режалаштирилаётган маҳсулотнинг харажатлари, шу вақтгача ишлаб чиқарилаётган "d" маҳсулот таннархи билан бир хилда бўлиши кутилмокда.

У қуйидагича бўлган.

	дона	харажати
Йил бошидаги тугалланмаган ишлаб чиқариш	12.840	
Материал харажатлар (п.б.)		10.280
Йил охиригача бўлган қўшилган харажатлар (50% тугалланган)		3.876
Йил охиригача бўлган тугалланмаган ишлаб чиқариш	17.800	
Материал харажатлар		14.240
Қўшилган харажатлар (70% тугалланган)		7.476
Бирлик (ҳар бирлик бу - 24 шиша)	918.760	

Йил охиридаги харажатлар		753.000
Тўғри иш ҳақи харажатлари		344.925
Ҳисобдан чиқарилган ташки ишлаб чиқариш харажатлари		206.955
Бутилкалар (шишалар)		219.312

Ўзгарувчан тижорат ва маъмурий-бошқарув харажатлари ҳар бир дона маҳсулотга 1.10 п.б.ни ташкил қилган. Доимий тижорат ва маъмурий-бошқарув харажатлари бир донага 0.5 п.б.

Қолган икки корхонанинг биринчиси бир дона маҳсулотни 4.00 п.б.да, иккинчиси 3.95 п.б.да сотмокда. Бу йили барча харажатларнинг 10% га ўсиши кутилмокда.

Корхона камида 12% *рентабелликка эришмоқчи* (харажатларга нисбатан).

Талаб қилинаяпти:

1) Маҳсулотга баҳони белгилашда қайси омилларни эътиборга олиш лозим?

2) FIFO усулидан фойдаланиб:
   а) бир дона ишлаб чиқилган маҳсулотнинг умумий таннархини;
   б) бир дона ишлаб чиқилиши режалаштирилган маҳсулотнинг умумий таннархини ҳисоблаш.

3) Янги маҳсулотнинг бир донаси баҳосини қайси ораликда белгилаш мақсадга мувофиқ. Нима учун?

4-МАВЗУ

Харажатларни режалаштириш ва назорат қилиш.

Мавзунинг мақсади

Ушбу мавзуда бошқарув жараёнининг асосий функцияси бўлган режалаштириш ва бошқарув назоратини ўрнатишда (таъминлаш) муҳим бўлган режалаштириш жараёнининг асосий икки тамойили тўғрисида фикр юритилади.

Биринчиси - қабул қилинган стратегияни амалга ошириш учун мўлжалланаётган ўрта ва узоқ муддатли режаларни амалга ошириш бўйича махсус дастурлар тайёрлаш.

Иккинчиси - тегишли бюджет (смета)ларни ишлаб чиқиш. Сабаби, ҳар бир режа асосли бўлиши, у амалга ошиши учун эса реал иқтисодий таъминот белгиланган бўлиши шарт. Шундагина бошқарув қарорлари асосли, мақсадли ва амалга оширилиши мумкин бўлади.

Тегишли бюджетларни тузиш муҳим вазифа бўлганлиги учун мавзуда эътибор шу бюджет турларини тузишга ҳам қаратилади.



4.1. Режалаштириш асослари ва дастури.



Дастурлар - корхонанинг ўз режаларини амалга ошириши учун мўлжаллаган тадбирлар йўналиши

Масалан

- ишчиларнинг мехнат шароитини яхшилаш дастури
- атроф-мухитни химоя қилиш дастури
- Илмий-текшириш ишларини жорий қилиш дастури
- Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш дастури

ва шу кабилар

! Дастурлар тузиш - бу стратегик режаларни амалга оширишдаги иккинчи босқич, воситачидир.

Ҳар қандай дастурни (программани) тайёрлаш учта асосий қисмдан иборат бўлади

Жорий дастурларни қайта кўриб чиқиш

Янги таклиф қилинаётган дастурларни ўрганиб чиқиш

Дастурларни мувофиқлаштирувчи тизимни яратиш

Жорий дастурлар	Ишлаб чиқариш жуда яхши давом этаётган бўлса ҳам, жорий дастурлар албатта қайта кўрилиши лозим. Сабаби, харидор ва буюртмачиларнинг талаби, иқтисодий шароитлар, ишлаб чиқариш технологияси ўзгаради
Таклиф қилинаётган янги дастурлар	Янги дастурлар ҳамиша пухта ўрганилиши лозим. Ҳар бир раҳбар янги дастурларни қабул қилувчи ва уни пухта ўрганувчи бўлиши зарур. Янги дастур самарасини таҳлил қилиш усули - "самара/харажат" усули
Дастурларни мувофиқ-лаштириш	Маъқул бўлган ва корхонанинг асосий режа ҳамда мақсадларини амалга ошириш имконига тўғри келувчи дастурларни танлаб олиш ва ўзаро мувофиқлаштириш



4.2. Бюджетли (сметали) режалаштириш



Бюджет турларига

мисоллар

1-мисол

Автокорхона

Байрамни ўтказиш даромадлари ва харажатлари БЮДЖЕТИ

Даромад бюджети	
1.Муассасалар ажратмалари	50.000
2. Касаба иттифоқи фонди ажратмаси	20.000
3.Корхона фондидан ажратма	15.000
жами бюджет даромади	85.000
Харажатлар бюджети	
1.Ҳаваскорлар гуруҳи учун	5.000
2.Ҳар хил ичимликлар учун	20.000
3.Иссиқ овқат (палов) учун	34.000
4.Нон, кўкатлар хариди учун	1.000
5.Мукофотлар учун	10.000
6.Ширинлик ва мева-чевалар харидига	5.000
жами харажатлар бюджети	75.000
Даромадларнинг харажатлардан ошиши.	10.000

2-мисол.

Меҳмонхона

Йил давомида хоналарнинг мижозлар билан банд бўлиши бюджети

Ойлар	Режалаштирилган бандлик							
	1 ўринлик (30 дона)		2 ўринли (50 дона)		Кичик аппартамент (5 дона)		Люкс (5 дона)	
	сони	улуши %	сони	улуши %	сони	улуши %	сони	улуши %
январь	10	33,3	20	40,0	2	40,0	1	20,0
февраль	12	40,0	24	48,0	2	40,0	1	20,0
март	15	50,0	28	56,0	3	60,0	2	40,0
апрель	18	60,0	35	70,0	4	80,0	4	80,0
май	20	66,7	40	80,0	4	80,0	3	60,0
июнь	28	93,3	48	96,0	5	100	5	100
июль	30	100	50	100	5	100	5	100
август	30	100	50	100	5	100	5	100
сентябрь	29	96,7	45	90,0	4	80,0	5	100
октябрь	25	83,3	40	80,0	3	60,0	4	80,0
ноябрь	20	66,7	35	70,0	2	40,0	3	60,0
декабрь	15	50,0	30	60,0	1	20,0	1	20,0

! 1-мисолда барча маълумотлар пул бирлигида тузилган бўлса, 2-мисолдаги бюджет маълумотлари натурал кўрсаткичларда - сон ва фоизда тузилган

4.3. Асосий (бош) бюджет



4.4 Пул маблағлари бюджети.

Пул маблағлари бюджетининг умумий кўриниши ва маълумотлар манбаи

Пул маблағи бюджетининг элементлари	Маълумотлар манбаи
Пул маблағлари тушуми: *нақд пулга сотувдан*	Сотув бюджети (нақдга)
кредитга сотувдан	Сотув бюджети (кредитга)
бошқа активлар сотувидан	Фойда ва зарарларнинг прогноз кўрсаткичлари
олинган қарзлар	Олдинги ойларнинг пул маблағлари бюджети
Пул маблағлари тўлови: асосий материаллар учун	Харид бюджети
ёрдамчи материаллар учун	Умумишлаб чиқариш харажатлари ва материаллар хариди бюджетлари
тўғри меҳнат харажатларига	Иш ҳақи бюджети
умум ишлаб чиқариш харажатларига (УИЧХ)	УИЧХ бюджети
тижорат харажатларига	Тижорат харажатлари бюджети
умумий ва маъмурий харажатлар учун	Умумий ва маъмурий харажатлар бюджети
капитал харажатлар учун	Капитал харажатлар бюджети
фойда солиғи тўлови учун	«Молиявий натижалар» тўғрисидаги ҳисобот
фоизлар бўйича харажатлар учун	Фоизлар бўйича харажатлар учун
қарзларнинг қайтарилиши	қарзлар бўйича шартномалар

Корхонанинг пул маблағлари бюджетини тузиш бўйича иллюстратив мисол

Корхонада жами 5 оператор бор. Уларнинг ҳар бири бир ойда 160 соатдан ишлайди. Булардан ташқари яна қуйидаги маълумотлар мавжуд:

(пул бирлигида)

	2000 йил, ҳақиқийси		2002 йилга прогноз (маълумот)		
Сотув ҳажми	25 000	35 000	25 000	20 000	40 000
Тижорат харажатлари	4 500	5 000	4 000	4 000	5 000
Умумий ва маъмурий бошқарув харажатлари	7 500	8 000	8 000	7 000	7 500
Материал харажатлари	2500	3500	2500	2500	4000
Умумишлаб чиқариш харажатлари	3200	3500	3000	2500	3500

Қўшимча маълумотлар:

1. Корхона 12 000 п.б.да банк кредити олган;
2. Банк фоизи 12 %, йиллик фоиз ҳар ойда тўланади.
3. Кредитнинг 2000 п.б. 2002 йилда тўланиши (февралда) лозим.
4. 2001 йилнинг фойда солиғи суммаси 4550 п.б. ва у 15 мартда тўланиши лозим.
5. Ходимларнинг бир соатлик иш ҳақи миқдори 8.50 п.б. (ҳар бириники).

Пул тушумлари режаси қуйидагича:

1. сотув ҳажмининг 60 фоизи бирдан келиб тушади;
2. 30 фоизи сотилгандан кейинги биринчи ой мобайнида келиб тушади;
3. 10 фоизи сотилгандан кейинги иккинчи ой давомида келиб тушади;

4. материаллар учун улар келиб тушган ойда ҳақ тўланади;
5. тижорат ва бошқа барча харажатлар келгуси ойда тўланади.

Пул маблағларининг 2002 йилга қолдиғи 13840 п.б.

Талаб қилинади

Корхонанинг 2002 йил 1-кварталига пул маблағлари бюджетини тузиш лозим.

Ечими:

Корхона пул маблағининг 1-квартал ойлик бюджети

	январь	февраль	март	жами
Маблағлар кирими				
- клиентларга қўйилган счетлар бўйича*	28000	23000	32500	83500
Маблағлар тўлови				
- материаллар харажатига	2500	2500	4000	9000
- иш ҳақи харажатларига	6800	6800	6800	20400
- умум ишлаб чиқариш харажати	3500	3000	2500	9000
- тижорат харажатлари	5000	4000	4000	13000
- умумий ва маъмурий бошқарув харажатлари	8000	8000	7000	23000
- банк фоизлари бўйича	120	120	100	340
- кредитнинг қайтарилиши	-	2000	-	2000
- фойда солиғи тўлови	-	-	4550	4550
Жами тўловлар	25920	26420	28950	81290
Маблағнинг кўпайиши (камайиши)	2080	(3420)	3550	2210
Бошланғич қолдиқ	13840	15920	12500	13840
Ой охирига қолдиқ	15920	12500	16050	16050

* - ҳисоблаш изоҳи: - клиентларга қўйилган счетлар бўйича:

	январь	февраль	март	
Жорий ой - 60%	15000	12000	24000	январдаги 25000 дан
Олдинги ой - 30%	10500	7500	6000	декабрдаги 35000 дан
Ундан олдинги - 10%	2500	3500	2500	ноябрдаги 25000 дан
Жами	28000	23000	32500	

Асосий жадвалдаги маълумотларнинг ҳисоб-китоби

	Январь	Февраль	Март
1 Материал харажатлари (харид қилинган ойда тўланади)	2500	2500	4000
2 Иш ҳақи (5 ишчи х 60 х 8.50)	6800	6800	6800
3 Умум ишлаб чиқариш харажатлари (келгуси ойда тўланади)	3500	3000	2500
4 Тижорат харажатлари (келгуси ойда тўланади)	5000	4000	4000
5 Умумишлаб чиқариш ва маъмурий бошқарув харажатлари (келгуси ойда тўланади)	8000	8000	7000
6 Банк фоизлари тўлови январда - 12000 дан 1 %, февралда - 12000 дан 1 %, мартда - 10000 дан 1 %	120	120	100
7 Кредитнинг қайтарилиши		2000	
8 Солиқ тўлови			4550

Хулоса

январдаги нақд пул қолдиғи = 15920

феврлдаги = 12500

мартдаги = 16050

Бу ўртача (яхши) ҳолат, лекин корхонанинг фаолияти учун жуда катта эмас.

4.5. Сотиш ҳажмини режалаштириш муаммолари





*- Бу иккала усул албатта, бир қатор ютуқ ва самараларга эга, лекин камчиликлардан ҳам ҳоли эмас.

Тест саволлари

1. Умумий бюджетни ишлаб чиқишда қуйидаги қайси жорий бюджет асос қилиб олинади?

а) тижорат харажатлари бюджети
б) сотиш бюджети
в) ишлаб чиқариш бюджети
г) материалларни харид килиш ва ишлатиш бюджети

2. Харид қилиниши лозим булган материалларнинг умумий ҳажмини аниқлаш учун қандай бюджет тузилиши лозим?

а) тижорат харажатлари бюджети
б) сотиш бюджети
в) ишлаб чикариш бюджети
г) материалларни ишлатиш бюджети

3. Келгусидаги ишлаб чиқариш режасини бажаришда эътиборга олинадиган, назарда тутилаётган ишлаб чиқариш харажатлари тўғрисидаги атрофлича маълумотни ўзида мужассамлаштирган бюджетлардан бири (тўғри материаллар сарфи ва тўғри иш ҳақи харажатларидан ташқари), бу

а) умумишлаб чиқариш харажатлари бюджети
б) бош бюджет
в) капитал харажатлар бюджети
г) умум ва маъмурий бошқарув харажатлари бюджети

4. Қуйидаги қайси ҳужжат ишлаб чиқилгунга қадар, пул маблағлари тўғрисидаги бюджет ишлаб чиқилган бўлиши лозим?

а) фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот прогнози
б) капитал харажатлар бюджети
в) сотув бюджети
г) корхонанинг молиявий ҳолати тўғрисидаги ҳисобот прогнози (бухгалтерия баланси)

5. Корхонанинг сотув бюджетида қуйидаги маълумотлар мавжуд:
Октябр ойида «А» маҳсулотдан 12 500 бирлик ва «В» маҳсулотдан 33 100 бирлик сотиш мўлжалланган. «А» маҳсулотининг сотиш баҳоси - 22.4 ва «В» маҳсулотиники - 32.0 п.б. Маҳсулотларни сотиш бўлими, сотиладиган «А» маҳсулотдан 6 фоиз ва «В» маҳсулотдан 8 фоиз «комиссионный» олади. Шу ойда, сизнингча, комиссионный бюджетида қанча маблағ кирими режалаштирилган?

а) 106.276
б) 101.536
в) 84.736
г) 92.436

6. Корхона июль ойида - 134.000 п.б., август ойида 226.000 п.б. ва сентябрь ойида 188.000 п.б.да товарларни кредитга сотган. Товарларни кредитга сотиш тажрибаларидан шу нарса маълумки, сотилган товарларнинг тахминан 60 фоиз суммаси кейинги ойда, 36 фоизи иккинчи ойда ва қолган 4 фоизи умуман олинмаслиги мумкин. Шу ҳолатлардан келиб чиқиб топингчи, сентябрь ойида сотилган товарлардан қанча маблағ олиниши мумкин?

а) 183.840
б) 194.160
в) 226.000
г) 188.000

7. Корхонанинг бир ой мобайнидаги фаолиятини атрофлича баҳолаш учун энг яхши мезон қайси?

а) ой бўйича бюджетда белгиланган режаларнинг бажарилиши
б) ҳақиқатда бажарилган ҳолатнинг ўтган йилдаги худди шу ой ҳолати билан таққосланиши
в) ҳақиқатда бажарилган ҳолатнинг ўтган ой билан таққосланиши
г) бошқа мезонлар

8. Қуйидаги мулоҳазалар ҳақида фикрингиз қандай?

а) Сотиш ҳажмини прогноз қилишнинг энг самарали усули ўтган йилги ҳақиқий сотиш ҳажмини асос қилиб олиш ва уни бир оз қўпайтириш керак

а) ҲА б) ЙЎҚ

б) Ҳар қандай бюджетни тузишдаги энг катта тўсиқ, бу - ишлаб чиқариш ҳажми

а) ҲА б) ЙЎҚ

9. Корхонанинг жорий бюджетини тайёрлашда энг сўнгги босқич, бу
а) фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот
б) бухгалтерия баланси
в) пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот
г) биронта ҳам банд тўғри эмас

10. Харид қилиниши зарур бўлган материаллар миқдори, ишлатилган материалларнинг сонига
а) давр охирига режалаштирилган материаллар захирасини қўшиб, давр бошига бўлган материаллар захирасини минус қилиш қийматига тенг

б) давр бошига бўлган материаллар захирасини қўшиб, давр охирига режалаштирилган материаллар захирасини минус қилиш қийматига тенг
в) иккала банд ҳам тўғри
г) иккила банд ҳам нотўғри

11. Корхонада аниқ бир товар бўйича бошланғич қолдиқ - 20 000 бирлик мавжуд. Бюджет тузилаётган ойнинг охирида шу товар бўйича 14 500 бирлик қолиши ва ой давомида 59 000 бирлик ишлаб чиқарилиши режалаштирилган. Шу ҳолатда сотув ҳажми қанчани ташкил килади?

а) 53 500 бирлик
б) 64 500 бирлик
в) 59 000 бирлик
г) биронта ҳам жавоб тўғри эмас

12. Корхона тўғри материаллар захираси миқдорини 40 фоизга камайтирмоқчи. Бюджет тузилаётган ойнинг бошига шу материаллар қолдиғи 120 000 метрни ташкил қилган. Корхона 84 000 бирлик маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштирган. Ҳар бир бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун 2.5 метр шу хилдаги материал ишлатилади. Бюджет тузилаётган ой учун шу материалдан яна қанча сотиб олиниши лозим?

а) 138 000 метр
б) 258 000 метр
в) 64 800 метр
г) биронта ҳам жавоб тўғри эмас

13. Корхона фаолияти бўйича қуйидаги маълумотлар мавжуд

Йил давомида харид қилинган товарлар суммаси	350 000
Йил охирига товар қолдиғи	70 000
Харидорлардан келиб тушган пул маблағлари	200 000

Барча товарлар харид қилинган баҳосидан (таннархидан) 40 фоиз юқори баҳода сотилган. Барча товарлар кредитга сотилган ва барча сотилган товарлар учун пул албатта, олинади деб фараз қилинса, йилнинг охирги кунига, яъни 31 декабрга «Олинадиган счетлар»да қолдиқ (сальдо) қанчани ташкил қилади?

а) 50 000 п.б.
б) 192 000 п.б.
в) 250 000 п.б.
г) 290 000 п.б.

14. Бюджет тузилган йил мобайнида ишлаб чиқариш корхонаси кредитга 219 000 п.б.даги маҳсулот сотиб, ундан шу йили 143 500 п.б.да кирим қилмоқчи. Фараз қилинаяптики, шу ҳисобот йилида бошқа ҳеч қандай тушум бўлмайди ва айнан шу йилги нақд пул тўловлари 179 000 п.б.ни ташкил қилади. Булардан ташқари, «Пул маблағлари» счетида йилнинг охирида яна 10 000 п.б. қолиши лозим бўлса, корхона ўз фаолиятига қўшимча равишда яна канча маблағни жалб қилиши лозим?

а) 45 500
б) 44 500
в) 24 500
г) бирорта ҳам жавоб тўғри эмас

Иллюстратив мисол

"Улуғбек" корхонаси уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқаради ва сотади. Ўтган йил якуни бўйича бухгалтерия счетларида қуйидаги қолдиқлар мавжуд:

Т.р	Счётларнинг номи	Миқдори, сўмда
1.	Пул маблағлари	15 450
2.	Олинадиган счетлар	19 900
3.	Материаллар захираси	18 510
4.	Тугалланмаган ишлаб чиқариш	24 680
5.	Тайёр маҳсулотлар захираси	21 940
6.	Бўнак (аванс)сифатида тўланган харажатлар	3 420
7.	Асосий воситалар	262 800
8.	Асосий воситаларга тўпланган амортизация	52 560
9.	Бошқа активлар	9 480
10.	Тўланадиган счётлар	52 640
11.	Тўланадиган гаров пуллари	70 000
12.	Оддий акциялар	90 000
13.	Таксимланмаган фойда	74 980

Хисобот йилининг I квартали чиқимлари ва харажатлари учун бюджет тузилган. Бу бюджет маълумотлари қуйидагича:

Т.р	Харажатлар ва чиқимлар	Миқдори, сўмда
1.	Материаллар сотиб олиш	58 100
2.	Материалларни ишлатиш	60 240
3.	Меҳнат харажатлари	42 880
4.	Умум ишлаб чиқариш харажатлари	51 910
5.	Тижорат харажатлари	35 820
6.	Маъмурий-бошқарув харажатлари	60 230
7.	Капитал қуйилмалар	-
8.	Ишлаб чиқиладиган маҳсулот таннархи	163 990
9.	Сотиладиган маҳсулот таннархи	165 440

Пул маблағлари бўйича ҳар ой охирига қолиши режалаштирилаётган миқдор: январь ойи охирида 34 610 сўм; февралда - 60 190 сўм; мартда – 96 240.

Сотув ҳажми қуйидагича режалаштирилган:

январда	175 210
февралда	124 890
мартда	122 860

"Олинадиган счётлар"даги қолдиқ суммасининг квартал охирида икки марта ўсиши, "тўланадиган счётлар"даги қолдиқнинг эса, 25% камайиши кутилмоқда. Шунингдек, гаров тўловларининг шу кварталда 6000 сўмга, бўнак сифатида тўланадиган харажатларнинг 20000 сўмга ва бошқа активлар миқдорининг 50%га ўсиши кутилмоқда. Асосий воситалар амортизацияси ҳажми келгуси йил учун 10% миқдорда ҳисоб-китоб қилинмоқда. Фойда солиғи ҳажми 34% миқдорида.

Талаб қилинади:

1. I квартал учун фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботни тузинг;
2. Корхонанинг 31 март кунига бўлиши мумкин бўлган молиявий аҳволи истиқболини белгилаб беринг.

Ечими:

а) дастлабки ҳисоб-китоблар:

материаллар захираси	
квартал бошидаги қолдиқ	18 510
сотиб олинган материаллар	58 100
фойдаланишга яроқли материаллар	76 610
минус: ишлатилган материаллар	60 240
квартал охиридаги қолдиқ	16 370
тугалланмаган ишлаб чиқариш	
квартал бошидаги қолдиқ	24 680
ҳисобот давридаги харажатлар: материаллар	60 240
меҳнат харажатлари	42 880
умумишлаб чиқариш харажатлари	51 910
жами ишлаб чиқариш харажатлари	179 710
минус: ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи	163 990
квартал охиридаги қолдиқ	15 720
тайёр маҳсулотлар захираси	
квартал бошидаги қолдиқ	21 940
ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи	163 990
сотилаётган маҳсулот қиймати	185 930

минус: сотилган маҳсулот таннархи 165 440

квартал охиридаги қолдиқ 20 490

б) масаланинг якуний ечими:

Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот

Маҳсулотлар сотувидан тушадиган тушум		422 960
Сотиладиган маҳсулот таннархи		165 440
Ялпи фойда		257 520
минус: тижорат харажатлари	35 820	
маъмурий-бошқарув харажатлари	60 230	
Солиқ ва фоизлар тўловигача бўлган фойда		161 470
фоизлар бўйича тўловлар	2 000	
Солиққа тортиладиган фойда		159 470
солиқ суммаси, 34%		54 220
Соф фойда		105 250

Корхонанинг молиявий аҳволи истиқболи

жорий активлар		
пул маблағлари	96 240	
олинадиган счётлар (19 900 x 2)	39 800	
материаллар захираси	16 370	
тугалланмаган ишлаб чиқариш	15 720	
тайёр маҳсулотлар захираси	20 490	

бўнак сифатида тўланадиган харажатлар	23 420	
жорий активлар жами		212 040
ноайланма активлар		
асосий воситалар	262 800	
минус: тўпланган амортизация	59 130	203 670
бошқа активлар		14 220
жами активлар		429 930
жорий мажбуриятлар		
тўланадиган счётлар	39 480	
тўланадиган солиқлар	54 220	
жами жорий мажбуриятлар		93 700
тўланадиган гаров суммалари (70000-4000)		66 000
жами мажбуриятлар		159 700
устав капитали		
оддий акциялар	90 000	
тақсимланмаган фойда (74 980 + 105 250)	180 230	
жами устав капитали		270 230
жами мажбуриятлар ва устав капитали		429 930

Муаммолар ва вазифалар

1. Тўланадиган харажатларни режалаштириш

Корхона келгуси ой учун пул маблағлари бюджетини тузди. Унда товарлар захираси билан боғлиқ қуйидаги маълумотлар мавжуд:

Ой бошидаги захира	*180 000*
Ой давомида сотилиши мумкин бўлган товарлар таннархи	900 000
Ой охирига қолиши мўлжалланаётган захира	160 000
Ой бошлангунча харид қилинган товарлар учун шу ойда тўланадиган маблағлар	210 000
Хисобот ойида шу ойда харид қилинган товарлар учун тўловлар	80%

Талаб қилинади:

Харид қилинаётган товарлар учун шу ҳисобот ойида қанча маблағ тўланиши лозимлигини топинг.

2. Пул маблағлари бюджетининг элементлари

Қуйидаги маълумотлар мавжуд:

	1-вариант	2-вариант
Пул маблағларининг бошланғич қолдиғи	4 200	3 700
Тушуми кутилаётган пул маблағлари	98 000	73 600
кутилаётган тўловлар	89 000	80 800
Ой охирига қолиши мақсадга *мувофиқ бўлган қолдиқ*	*8 000*	*9 500*

Талаб қилинади:

Корхона қанча маблағни қарзга олиши лозимлигини ёки қарзлари ва тўловларни тўлаш учун ўз маблағи етиши мумкинлигини топинг. Ҳар иккала вариантни ҳам мустақил ишланг.

3.Ишлаб чиқариш бюджетини тайёрлаш

Корхона дарвозалар ишлаб чиқаради. 2002 йил учун сотув ҳажми бўйича истиқбол режаси қуйидагича (донада):

январь	50 000	июль	40 000
февраль	40 000	август	50 000
март	60 000	сентябрь	60 000
апрель	70 000	октябрь	70 000
май	60 000	ноябрь	80 000
июнь	50 000	декабрь	60 000

2003 йил январь ойи учун сотув ҳажмининг истиқбол режаси – 60 000 дона эшик. 2002 йил январь ойи бошига бўлган қолдиқ – 15 000 дона. Корхона товар (эшик) захираси бўйича қуйидаги тамойилга амал қилади: минимал захира миқдори 15 000 донадан кам бўлмаслиги ва максимал миқдори – келгуси ойда сотилиши режалаштирилган миқдорнинг ярмисига тенг бўлиши лозим. Максимал ишлаб чиқариш қуввати – бир ойга 65 000 дона эшик.

Талаб қилинади:

1. Юқорида келтирилган маълумотлардан фойдаланиб, 2002 йил учун ҳар ойдагисини алоҳида кўрсатган ҳолда ишлаб чиқариш бюджетини тузинг;

2. 2002 йилнинг 31 декабрь кунига қоладиган охирги қолдиқ миқдори қанчага тенг бўлади?

4. Материаллар хариди бюджети

Корхона ёғоч эшиклар ишлаб чиқаради. 2002 йил учун сотув ҳажми бўйича дастлабки беш ойлик истиқбол режа қуйидагича (донада):

июнь	50 000
январь	10 800
февраль	15 600
март	12 200
апрель	10 400
май	9 800

Ҳар ойнинг охиридаги тайёр маҳсулот қолдиғи, келгуси ойда сотилиши белгиланган миқдорнинг 25% ҳажмида бўлиши лозим. Январь ойининг дастлабки кунида омбордаги шу маҳсулот қолдиғи 2 700 дона бўлган. Ой охирида тугалланмаган ишлаб чиқариш қолмайди. Бир дона маҳсулотни ишлаб чиқариш учун икки хилдаги материалдан қуйидагича миқдорда керак бўлади:

«А» материалдан	*4 дона*
«В» материалдан	5 дона

Ҳар ойнинг охиридаги материаллар қолдиғи, келгуси ойда ишлатилиши белгиланган миқдорнинг ярмиси ҳажмида бўлиши лозим.

Талаб қилинади:

2002 йилнинг I кварталидаги ҳар бир ой учун харид қилиниши лозим бўлган материаллар миқдорини топинг, материаллар хариди бюджетини тузинг.

Вазиятли масалалар

"А & З" корхонаси юқори малакали мутахассислар меҳнатига таяниб ва махсус қуйилган пўлатлардан енгил автомашиналарга эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқаради. Корхона раҳбарияти келгуси йил учун асосий (бош) бюджетни ишлаб чиқишга киришди. Уни тузиш жараёни бўйича қуйидаги мулоҳазалар мавжуд:

1. Тугалланмаган ишлаб чиқариш захираси жуда кам ва шунга мувофиқ уни эътиборга олмаслик мумкин;
2. Материаллар ва тайёр маҳсулотларга бўлган баҳо ўзгармайди;
3. Барча умумишлаб чиқариш харажатлари битта базага, яъни тўғри меҳнат сарфи соати миқдорига мувофиқ ҳисобланади.

Материаллар ва меҳнат сарфи

	миқдори	Баҳоси (минг сўм)
Пўлат 111	кг	7
Пўлат 112	кг	10
Меҳнат харажати	соат	20

Умумишлаб чиқариш харажатлари тўғри меҳнат сарфи соати миқдорига мувофиқ тақсимланади.

Бир дона тайёр маҳсулотга	маҳсулотлар	
	«А» маҳсулот (оддий режимга мўлжалланган эҳтиёт қисм)	«З» маҳсулот (юқори қувватга мўлжалланган эҳтиёт қисм)
Пўлат 111	12 кг	12 кг
Пўлат 112	6 кг	8 кг
Меҳнат сарфи	4 соат	6 соат

	маҳсулотлар	
	«А» маҳсулот	«З» маҳсулот
Сотиш ҳажми, донада	5 000	1 000
Бир донасининг сотиш баҳоси	600	800
Кутилаётган охирги қолдиқ, донада	1 100	50
Бошланғич қолдиқ, донада	100	50
Бошланғич қолдиқ, сўмда	38 400	2 200

Материаллар захираси

	материаллар	
	Пўлат 111	Пўлат 112
Бошланғич захира (кг)	7 000	6 000
Режалаштирилган охирги қолдиқ (кг)	8 000	2 000

Корхона раҳбарлари кўзда тутилаётган фаолиятни амалга ошириш учун қуйидаги харажатлар содир этилади деб хисоб-китоблар қилмокда.

Умумишлаб чиқариш харажатлари	сўмда
Ёрдамчи материаллар	90 000
Билвосита меҳнат сарфлари	200 000
Меҳнат таътиллари тўловлари	320 000
Энергия харажатлари, ўзгарувчан қисми	90 000
Жорий таъмирлаш харажати, ўзгарувчан қисми	70 000
Амортизация	230 000
Мулк солиғи	50 000
Мулкни суғурталаш харажатлари	10 000
Назорат чиқимлари	100 000
Энергия харажатлари, доимий қисми	20 000
Жорий таъмирлаш харажати, доимий қисми	20 000
жами	1 200 000
Маркетинг ва маъмурий бошқарув харажатлари	
Комиссион харажатлар	200 000
Реклама харажатлари	60 000
Сотув бўлими ишчилари иш хақи	100 000
Хизмат сафари харажатлари	90 000
Металл кесувчиларнинг иш хақи	100 000
Ёрдамчи материаллар	12 000
Бошқарувчиларнинг иш хақи	260 000
Бошқа харажатлар	48 000
жами	870 000

Талаб қилинади:

2002 йил учун оператив бюджетни тузинг. Бунинг учун қуйидаги бюджетларни тузиш лозим:

1. Сотув бюджети
2. Ишлаб чиқариш бюджети, (донада)
3. Материалларни ишлатиш бюджети
4. Меҳнат сарфи бюджети
5. Умумишлаб чиқариш харажатлари бюджети
6. Давр охирига бўладиган қолдиқлар бюджети
7. Сотиладиган маҳсулотлар таннархи бюджети
8. Маркетинг ва маъмурий бошқарув харажатлари бюджети
9. Фойда ва зарарлар тўғрисидаги бюджет ҳисоботи.

Асосий (бош) бюджет



5-МАВЗУ:

Норматив харажатлар (харажатлар ҳисобининг норматив усули) ва четланишлар ҳисоби

5.1 Харажатлар ҳисобининг норматив усули тушунчаси ва "стандарт-кост" тизими

"Стандарт-кост" тизими ер юзидаги ишлаб чиқарувчи компания ва корхоналарнинг деярли барчасида қўлланилади. Лекин, бу тизимда қўйилган мақсадга эришишда омилларнинг моҳиятини ва таъсирини баҳолаш турли мамлакатларда турлича (жадвалга қаранг).

	аҳамиятлилик даражасига қараб тизимда тутган ўрни			
	АҚШда	Канадада	Японияда	Англияда
Харажатларни бошқариш	1	1	1	2
Баҳоларни белгилаш ва баҳо сиёсати	2	3	2	1
Бюджетли режалаштириш ва уни назорат қилиш	3	2	3	3
Молиявий ҳисоботни тайёрлаш	4	4	4	4

Норматив харажатлар (standard costs) - олдиндан атрофлича ҳисобланилган, бир дона маҳсулотни тайёр ҳолга келтириш учун зарур бўлган харажатларни ҳисоблаб белгилаш усули



Бир дона ишлаб чиқарилган маҳсулотга тўғри келадиган нормалаштирилган харажатлар 6 элементдан иборат бўлади

1. Нормалаштирилган тўғри материал харажатлари
2. Тўғри материал харажатларининг нормалаштирилган миқдори (сони)
3. Нормалаштирилган иш вақти (тўғри иш вақти сарфи)
4. Иш вақтининг нормалаштирилган ставкаси
5. Ўзгарувчан умумишлаб чиқариш харажатларининг нормалаштирилган коэффициенти
6. Доимий умумишлаб чиқариш харажатларининг нормалаштирилган коэффициенти

5.2. Маҳсулот таннархини калькуляция қилишда норматив усулдан фойдаланиш

Мисол. Корхона қаламлар ишлаб чиқариш бўйича харажатлар нормативини аниқлаяпти: тўғри материаллар харажати хар бир қалам учун - битта (0,025 кв.ф) пластмасс корпусдан ва ручкани харакантлантирувчи қисмдан иборат бўлади. Шундан, тўғри материаллар харажати бир квадрат фут учун - 9,20 п.б.ни ва битта харакатлантирувчи механизм учун 2,25 п.б.ни ташкил қилади.

Тўғри мехнат харажатлари - штампалаш цехида, битта қалам учун - 0,01 соатни ва йиғиш цехида - 0,05 соатни ташкил қилади. Тўғри мехнат харажатларининг бир соатлик нормалаштирилган ставкаси, штамплаш цехида - 8.0 п.б. ва йиғиш цехида 10,20 п.б.га тенг.

Умумишлаб чиқариш харажатларининг норматив коэффициентлари қуйидагича: ўзгарувчан харажатлар қисми учун, бир соатлик мехнат харажатлар миқдоридан 12.00 п.б.да ва доимий харажатлар қисми учун - 9.00 п.б.да.

Шу мисол шартларидан келиб чиқиб, бир дона каламнинг нормалаштирилган ишлаб чиқариш таннархи қуйидагича бўлади:

Ечими

	Харажат турлари ва маркази	Бахоси п.б.да
1	Тўғри материал харажатлар	
	а) Пластмасса (9,20 п.б.х 0,025 кв.фут.)	0,23
	б) Бир дона харакатлантирувчи механизм	2,25

2	Тўғри иш ҳақи харажатлари а) штамплаш цехида (0,01 соат/қалам х 8,00) йиғиш цехида б) (0,05 соат/қалам х 10,20)	 0,08 0,51
3	Умум ишлаб чиқариш харажатлари а) ўзгарувчан (0,01+0,05)=0,06 х 12,00 п.б. б) доимий (0,01+0,05)=0,06 х 9,0 п.б.	 0,72 0,54
	Бир дона қаламнинг ишлаб чиқариш таннархи (1+2+3)	4,33

5.3. Четланишлар ҳисоби - харажатларни назорат қилишдаги муҳим восита

!	Харажатлар ҳисобининг норматив усулида нормалаштирилган харажат миқдори билан ҳақиқий қилинган харажатлар ўртасида вужудга келадиган фарқ - "четланиш" деб аталади.

Ана шу четланишларни аниқлаш жараёни - "четланишлар таҳлили" деб юритилади.

Мисол

"ХБ"корхонасида
ҳисобот йили режасининг бажарилиш таҳлили.

	Харажат моддалари	Режа* (п.б.да)	Факт* (п.б.да)	Четланиш (+,-)
1.	Тўғри мат.харажатлар	42,000	46,000	+4,000
2.	Тўғри меҳнат харажати	68,250	75,000	+6,750

3.	Умумишлаб чиқариш харажатлари: а) Ўзгарувчанлари:			
	материаллар	10,500	11,500	+1,000
	меҳнат (иш ҳаққи)	14,000	15,250	+1,250
	коммунал харажатлар	7,000	7,600	+600
	бошқалари	8,750	9,750	+1,000
	б) Доимийси			
	назоратчилар иш ҳаққи	19,000	18,500	-500
	амортизация	15,000	15,000	-
	коммунал харажатлар	4,500	4,500	-
	бошқалари	10,900	11,100	+200
	Жами	199,900	214,200	+14,300

* мисолимизда режа - 17.500 дона маҳсулот бирлигига ҳисобланилган
* ҳақиқий ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлиги 19.100 дона

Таҳлил натижаси ва хулосаси аниқ бўлиши учун ҳақиқий харажат миқдорига (факт) нисбатан режани қайта ҳисоблаш зарур.

Одатда, барча ишлаб чиқариш корхоналари йилнинг бошида ҳар бир хил ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тури учун мосланувчан харажат бюджети тузадилар.

Мисол: Йилнинг бошида "ХБ" корхонаси 15.000, 17.500 ва 20.000 бирлик маҳсулот учун мосланувчан бюджет тузган деб фараз қилайлик.



Бу ерда мосланувчан бюджет формуласи қуйидагича бўлади (МБ):



"ХБ" корхонасининг мосланувчан бюджети таҳлили

	Харажат турлари	15.000	17.500	20.000	1 дона учун ўзгарувчан харажат
1	Тўғри материал харажатлари	36,000	42,000	48,000	2,40
2	Тўғри меҳнат (иш ҳақи) харажатлари	58,500	68,250	78,000	3,90
3	Умум ишлаб чиқариш харажатлари				
	а) Ўзгарувчан				
	материаллар	9,000	10,500	12,000	0,60
	меҳнат (иш ҳаққи)	12,000	14,000	16,000	0,80
	коммунал харажатлар	6,000	7,000	8,000	0,40
	бошқалари	7,500	8,750	10,000	0,50
	Жами ўзгарувчан харажат	129,000	150,500	172,000	8,60
	б) Доимий УИЧ харажатлари				
	назоратчилар иш ҳаққи	19,000	19,000	19,000	

	амортизация	15,000	15,000	15,000	
	коммунал харажатлар	4,500	4,500	4,500	
	бошқалари	10,900	10,900	10,900	
	Жами УИЧ харажати(доимий)	49,400	1,400	49,400	
	Барча харажатлар	178,400	199,900	221,400	221,400

Шу ерда , МБ=(8,60 х | маҳсулот сони | + 49,400)

"ХБ" корхона учун режанинг бажарилиш ҳисоботи

	Харажат турлари	Режа (19.100)	Факт (19.100)	Чет-ланиш
1	Тўғри мат.харажатлар (2.40)	45,840	46,000	+0,160
2	Тўғри меҳнат харажати (3.90)	74,490	75,000	+0,510
3	УИЧ харажатлари: а) Ўзгарувчан:			
	материаллар (0,60)	11,460	11,500	0,040
	иш ҳаққи (0,80)	15,280	15,250	0,030
	коммунал харажатлар (0,40)	7,640	7,600	0,040
	бошқалари (0,50)	9,550	9,750	0,200
	б) Доимий			
	назоратчилар иш ҳаққи	19,000	18,500	0,500
	амортизация	15,000	15,000	-
	коммунал харажатлар	4,500	4,500	-
	бошқалари	10,900	11,100	0,200
	Жами	213,660	214,200	0,540

5.4. Четланишларни хисоблаш ва уларнинг тахлили. Четланишларни учёт регистрларида ёзиш

Тўғри материал харажатлари сортидан четланишни график кўринишда қуйидагича изоҳлаш мумкин:


Тўғри иш ҳақи ҳаражатлари четланишининг график кўриниши
Ишчиларнинг иш ҳақи
(ҳақиқий соат x ҳақиқий ставкага)
Бир соатлик ҳақиқий қилинган меҳнат учун иш ҳақи бюджети
(ҳақиқий иш соат x норматив ставка)
Тугалланмаган ишлаб чиқариш захираси
(норматив соат x норматив ставка)
Фарқи =
Фарқи =
Тўғри меҳнат тўловидаги ставкадан четланиш
Тўғри материал унумдорлигидаги четланиш
Тўғри меҳнат ҳаражатларидаги умумий четланиш


Умумишлаб чиқариш ҳаражатлари четланишининг график кўриниши
Ҳақиқий УИЧ ҳаражатлари
УИЧ ҳаражатлари бюджети
Ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархига киритилган УИЧ ҳаражатлари
Фарқи =
Фарқи =
УИЧ ҳаражатларининг назорат қилинадиган четланиши
УИЧ ҳаражатларининг ҳажм бўйича четланиши
УИЧ ҳаражатларининг умумий четланиши


Барча четланишлар таҳлил жараёнида қуйидаги уч гуруҳга бўлинади
1
Тўғри материал ҳаражатлар сарфидан четланиш (ТМЧ)
ТМЧ =
Ҳақиқий сон
х
Ҳақиқий баҳо
-
Нормативлаштирилган сон
х
Норматив баҳо
2
Тўғри иш ҳақи ҳаражатлари сарфидан четланиш (ТИХЧ)
ТИХЧ =
Ҳақиқий сон
х
Норматив баҳо
-
Ҳақиқий сон
3
Умум ишлаб чиқариш ҳаражатларидан четланиш (УИЧХЧ)
УИЧХЧ =
Ҳақиқий сон
-
Норматив сон
х
Норматив баҳо



1. А, В, С, Д, Е - ишлаб чиқарилиши режалаштирилган махсулот турлари
2. 20, 46, 31, 96, 80 - норматив харажатлар.
3. Қавс ичидагилари (20.8, 42, 33, 97,79) хақиқий ишлаб чиқарилган махсулот турлари сони.

Тест саволлари.

1. Маҳсулот бирлигига тегишли тўғри материаллар, тўғри меҳнат ва умумишлаб чиқариш харажатларининг энг миқдорда белгиланган қисми, бу:

а) давр харажатлари
б) ўзгарувчан харажатлар
в) олдиндан аниқланган коэффициентлар
г) норматив харажатлар

2. Доимий умумишлаб чиқариш харажатларининг норматив коэффициентини аниқлаш учун шу харажатлар бўлиниши лозим:

а) амалий ишлаб чиқариш қувватига
б) ортиқча ишлаб чиқариш қувватига
в) норматив ишлаб чиқариш қувватига
г) ишлаб чиқаришнинг назарий қувватига

3. Ноанъанавий маҳсулотлар ва хўжалик фаолиятининг ноанъанавий натижалари доирасини аниқлаш ва таҳлил қилиш техникаси қандай номланади?

а) норматив харажатлар ҳисоби
б) четланишлар таҳлили
в) четланишларни бошқариш
г) максадли бошқариш

4. Харажатлар норматив ҳисоби тизимининг асосий мақсади нима?

а) харажатларни иложи борича аниқ тақсимлаш
б) харажатларни назорат қилиш ва бошқариш
в) критик нуқтани аниқлаш

г) бошқарув қарорларидаги субъективликни камайтириш

5. Харажатларнинг норматив ҳисоби тизимида

а) счётлардаги барча ёзувлар норматив бўйича олиб борилади
б) нормативлар фақат умумишлаб чиқариш харажатлари учун жорий қилинади
в) нормативлар асосан, ўтган даврдаги ишлаб чиқариш харажатлари асосида жорий қилинади
г) ҳақиқий харажатлар билан одатда, таққослаш ишлари олиб борилмайди

6. Тўғри материалларнинг норматив баҳосини ана шу тўғри материалларнинг норматив сонига кўпайтирсак:

а) тўғри материалларнинг баҳосидаги четланиш ҳосил бўлади;
б) тўғри материалларнинг сонидаги четланиш ҳосил бўлади;
в) тўғри материалларнинг норматив харажатлари ҳосил бўлади;
г) ҳеч нарса келиб чиқмайди;

7. Қуйидагиларнинг қайси бири маҳсулот бирлиги бўйича аниқланаётган норматив харажатларга киритилмайди?

а) эгри материал харажатлар
б) тўғри меҳнат харажатлари
в) жиҳозларнинг амортизацияси
г) компания раҳбарининг иш ҳақи

8. Қайд қилинган бюджет (биринчиси) билан мосланувчан бюджет (иккинчиси) ўртасидаги асосий фарқ шундаки:

а) биринчиси фақат доимий харажатлардан, иккинчиси бўлса, фақат ўзгарувчан харажатлардан ташкил топган бўлади;
б) биринчисида ишлаб чиқариш бўйича битта умумий, иккинчисида ҳар бир ишлаб чиқариш бўғини бўйича алоҳида-алоҳида бюджет тузилган бўлади;
в) биринчиси келажакда асосий воситалар харид қилиш билан узвий боғланган бўлса, иккинчиси сотиш жараёни харажатларининг ўзгаришини ҳисобга олади;
г) биринчиси бюджет даври бошлангандан кейин ўзгариши мумкин эмас, иккинчиси бўлса, ўзгариши мумкин;

9. Қуйидаги четланишлардан қайси бирининг харажатларни назорат қилиш ва бошқаришда аҳамияти унчалик сезиларли эмас

а) тўғри меҳнат харажатлари ставкасидаги четланиш
б) тўғри материалларни ишлатишдаги четланиш
в) умумишлаб чиқариш харажатларидаги четланиш
г) тўғри меҳнат харажатлари унумдорлигидаги четланиш

10. Корхона маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олишда «Стандарт - Кост» тизимидан фойдаланади. Бир дона маҳсулот ишлаб чиқаришдаги норматив харажатлар қуйидагича:

Материаллар (60 метр х 1 п.б.)	60
Меҳнат харажатлари (3 соат х 10 п.б.)	30
Умумишлаб чиқариш харажатлари (3 соат х 8 п.б.)	24
Жами норматив харажатлар	114

Жорий-ўзгарувчан умумишлаб чиқариш харажатла-рининг бир соатлик қиймати - 3 п.б. ва доимий умум ишлаб чиқариш харажатларининг бир ойлик бюджети - 27 000 п.б. Январь ойида корхона белгиланган маҳсу-лотдан, ишлаб чиқариш қуввати 1800 бўлган ҳолда, 1650 дона ишлаб чиққан. Бир дона маҳсулотни ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий харажатлари қуйидагича бўлган:

Материаллар (58 метр x 1.10 п.б.)	63.80
Меҳнат харажатлари (3.1 соат x 10 п.б.)	31.00
Умумишлаб чиқариш харажатлари (39 930 п.б.: 1650)	24.20
Жами ҳақиқий харажатлар	119.00

Шу ҳолатда, январь ойидаги материалларни ишлатиш бўйича четланиш қанчага тенг?

а) 9. 570 п.б. (кам)
б) 9. 570 п.б. (кўп)
в) 3. 300 п.б. (кўп)
г) 3. 300 п.б. (кам)

11. Шу ойдаги иш ҳақи ставкаси бўйича четланиш қанчага тенг бўлган?

а) 0
б) 1. 650 п.б. (кам)
в) 1. 920 п.б. (кўп)
г) 1. 650 п.б. (кўп)

12. Шу ойдаги умумишлаб чиқариш харажатлари бўйича назоратдаги четланиш қанчага тенг бўлган?

а) 2. 250 п.б. (кам)
б) 2. 250 п.б. (кўп)

в) 1. 920 п.б. (кам)
г) 1. 920 п.б. (кўп)

13. Шу ойдаги умумишлаб чиқариш харажатлари бўйича ишлаб чиқариш ҳажмидан четланиш қанчага тенг бўлган?

а) 2. 250 п.б. (кам)
б) 2. 250 п.б. (кўп)
в) 1. 920 п.б. (кам)
г) 1. 920 п.б. (кўп)

14. Шу ойдаги тўғри материал харажатлари баҳосидаги четланиш қанчага тенг бўлган?

а) 165 п.б. (кам)
б) 9. 570 п.б. (кам)
в) 9. 570 п.б. (кўп)
г) 165 п.б. (кўп)

15. Шу ойдаги тўғри меҳнат сарфлари унумдорлигидаги четланиш қанчага тенг бўлган?

а) 0
б) 1. 650 п.б. (кам)
в) 1. 920 п.б. (кўп)
г) 1. 650 п.б. (кўп)

6-МАВЗУ

Қисқа муддатли қарорлар қабул қилиш ва уларнинг самарадорлиги таҳлили

Мавзунинг мақсади

Ушбу мавзуда эътибор қисқа муддатли, самарали қарорлар қабул қилиш учун мухим саналган йўл-йўрик, тамойил, ёндашувларга қаратилган.

Мавзу давомида «релевант» тушунчасининг моҳияти тўғрисида атрофлича фикр юритилади. Бошқарувчилик қарорларини қабул қилишда вужудга келадиган кўплаб вариантлардан энг самаралисини танлаб олишда релевант ёндашувнинг аҳамияти турли вазиятли мисоллар воситасида очиб берилган.

6.1. Бошқарув қарорларини қабул қилиш моделлари. Альтернатив харажатлар




Қарорлар қабул қилиш модели
Қарорлар қабул қилишга таъсир қилувчи омиллар икки гуруҳга бўлинади
1
Ўзгарувчан
Бу омилларнинг ўзгариши бошқарув тизими орқали назорат қилинади
Масалан
•маҳсулотнинг баҳоси
•маҳсулотни ишлаб чиқариш харажатлари
•технология ва ш.ў.
2
Параметрлар (таъсирсиз)
Бу омилларни бошқарув тизими орқали бошқариш имконияти йўқ
Масалан
• истеъмол талаби
• бозор ҳажми
• рақобат таъсири ва ш.ў.
Бошқарув қарорларини қабул қилишга кўпинча қуйидаги икки омил сабаб бўлади
1
Ўлчовли (сонли) омиллар ўзгариши
Масалан
•тўғри материал харажатлари сарфи
•иш ҳақи
•ижара ҳақи
•коммунал харажатлар ҳақи ва ш.ў.
2
Сифат омиллари ўзгариши
Бу омилларни ўлчаб, ҳисоблаб бўлмайди
Масалан
• маҳсулот сифати
• истеъмолчи талабини қондириш даражаси
• харидорлар билан узвий алоқа ва ш.ў.


Альтернатив харажатлар
Максимал даражада фойда олиш имкониятидан бирон бир мақсадга эришиш учун воз кечилиши, масалан:
1.Ўқитувчи бир ойда 200 п.б.да Университетдан иш ҳақи олади.
2.У ҳайдовчи бўлиб ишласа, 550 п.б.да иш ҳақи олиши мумкин.
Шу ерда ўқитувчининг альтернатив харажати миқдори 550 п.б.га тенг.
Пуллик (ўлчанадиган) ҳаражатлар
Сарфланиб бўлинган ва шартли ҳисобланиладиган харажатлар
• хом ашё ва материаллар ҳақи тўлови;
• иш ҳаки тўлови;
• банк кредити фоизи тўлови ва ш.ў.
•масалан, корхона ўзига тегишли жихозларни ишлатади, лекин унинг учун (шартли равишда) хак тўламайди;
•Агар корхона шу жиҳозни ижарага берганида даромад олган бўларди.

6.2. Релевант тушунчаси. Бошқарув қарорларини қабул қилишга релевантли ёндошиш.



! Ҳақиқий содир этилган харажатлар ва олинган даромадлар релевантли деб қаралмайди, чунки қандай бошқарув қарори қабул қилинишидан қатий назар, унинг миқдорини ўзгартириб бўлмайди.

1	Махсус буюртма қабул қилишга релевантли ёндошиш

Мисол

1. Корхона спорт маҳсулотлари (буюмлари) ишлаб чиқаради. Корхонага футбол федерациясидан 30.000 дона тўп тикиб беришга ва бу тўпларни 500 донадан яшикларга жойлаб беришга махсус буюртма тушди. Футбол федерацияси ҳар бир тўп учун 2.45 п.б. тўламоқчи.

2. Бухгалтер қуйидаги маълумотларни тайёрлади:

- Ишлаб чиқариш (йиллик) ҳажми - 410 000 тўп
- Ишлаб чиқариш ҳажми (max) - 450 000 тўп
- Қўшимча яна қуйидаги маълумотлар бор:

	Бир дона маҳсулот харажати	сўм (п.б.)
1.	Материал сарфи	0.90
2.	Иш ҳақи	0.60
3.	Умумишлаб чиқариш харажатлари: а) ўзгарувчан б) доимий	 0.50 0.25
4.	Ўраш-қадоқлаш	0.30
5.	Реклама харажатлари	0.15
6.	Бошқа тижорат ва маъмурий бошқарув харажатлари	0.30
	Жами	3.00
	Бир дона тўпнинг сотилиш баҳоси	4.00
	Яшикларнинг умумий харажати	2500

? Корхона футбол федерацияси буюртмасини қабул қилиши керакми, йўқми?

Буюртманинг таққослама тахлили

		Буюртмасиз (410 000)	Буюртмали (440 000)
1.	Реализациядан тушум	1 640 000	1 713 000
2.	Ўзгарувчан харажатлар; а) материаллар б) иш хаки в) ўзгарувчан УИЧХ г) ўраш, қадоқлаш	 369 000 246 000 205 000 123 000	 396 000 264 000 220 000 125 500
	Жами ўзгарувчан харажатлар	943 000	1 005 500
3.	Маржинал фойда (1-2)	697 000	707 500
4.	Доимий харажатлар: а) умумишлаб чиқариш харажати б) реклама в) тижорат ва маъмурий бошқарув харажатлари	 100 000 60 000 120 000	 100 000 60 000 120 000
	Жами доимий харажатлар	280 000	280 000
	Солиққача бўлган фойда (3-4)	417 000	427 500

(!) Қарор: Буюртмани қабул қилиш керак, чунки у фойдани 10 500 п.б. кўпайтиради.

2 Маҳсулотнинг қайси турини ишлаб чиқариш лозимлигини аниқлаш жараёнига релевантли ёндошиш

Корхона иккита маҳсулотнинг бирини ишлаб чиқариши лозим	Маҳсулот тури	
	А	Б
Бир донасининг баҳоси	20	30
Бир донанинг ўзгарувчан харажати	14	18
Бир донанинг маржинал фойдаси	6	12
Маржинал фойда даражаси	30 (6:20)x100	40 (12:30)x100

(1) Мисолда "Б" маҳсулот кўпроқ фойда келтириши кўриниб турибди.

2. Фараз қилайлик, йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 1000 машина-соат бўлиб, бир соатда "А" маҳсулотдан 4 дона ва "Б" маҳсулотдан 1 дона ишлаб чиқариш мумкин. У ҳолда:

	Маҳсулот тури	
	А	Б
Бир соатда ишлаб чиқариладиган маҳсулот сони	4	1
Бир дона маҳсулотга тўғри келаётган маржинал фойда (олдинги жадвалдаги)	6	12
Бир соатга тўғри келадиган маржинал фойда	24	12
1000 соатга тўғри келадиган маржинал фойда	24 000	12 000

Қарор: Кўриниб турибдики, "Б" маҳсулотни эмас, "А" маҳсулотни ишлаб чиқаришни жорий қилиш лозим.



Мисол Корхона тайёрлаётган деталь бўйича қуйидаги маълумот мавжуд

	КЎРСАТКИЧЛАР	Деталь таннархи (п.б.да)	
		Жами 10000 деталга	бир дона деталга
1.	Тўғри материал харажати	15 000	1.5
2.	Тўғри иш ҳақи	120 000	12.0

3.	Ўзгарувчан умумишлаб чиқариш харажатлари	60 000	6.0
4.	Доимий умумишлаб чиқариш харажатлари	75 000	7.5
	Жами харажатлар	270 000	27.0

Шундай детални 24.0 п.б.да сотиб олишга таклиф бор, яъни сотиб олиш имконияти бор.

(?) Шу детални корхона ўзи ишлаб чиқариши керакми (27.0 п.б.) ёки сотиб олиши лозимми (24.0 п.б.)- ?

Фараз қилайлик, 75000 п.б.даги доимий умумишлаб чиқариш харажатларининг 45000 п.б.дагиси қандай қарор қабул қилинишидан қатий назар ўзгармайди. Булар бор жиҳозларнинг амортизацияси, мол-мулк солиғи, суғурта тўловлари, цех бошқарув аппарати ходимларининг иш ҳақи ва ш.ў. Шу ҳолда ҳар бир маҳсулотга тўғри келадиган норелевант харажатлар 4,5 п.б.га тенг (45000:10000).

	Релевантли кўрсаткичлар	Харажатлар:			
		жами		бир дона деталга	
		ишлаб чиқариш	сотиб олиш	ишлаб чиқариш	сотиб олиш
1.	Сотиб олиш харажати		240000		24
2.	Тўғри материал харажати	15 000		1.5	
3.	Тўғри иш ҳақи харажати	120 000		12.0	

4.	Ўзгарувчан умум-ишлаб чиқариш харажатлари	60000		6.0	
5.	Доимий умум-ишлаб чиқариш харажатлари	30000		3.0	
	Жами харажатлар	225000	240000	22,5	24,0
	Фарқи: ишлаб чиқариш фойдасига	15000		1.5	

! Бу ерда детални сотиб олиш қарори қабул қилинадиган бўлса, озод бўладиган ишлаб чиқариш ҳажмидан фойдаланилмайди деб фараз қилинган.

Мисол: Фараз қилайлик, детални сотиб олиш қарори қабул қилинадиган бўлса, унда детални ишлаб чиқариш жараёнидан бўшаган жиҳозни ишлатишнинг икки варианти мавжуд:

1) маржинал фойдаси 28 000 бўлган бошқа маҳсулот ишлаб чиқарилиши мумкин;
2) жиҳоз 8000 п.б.га ижарага берилиши мумкин.

Мавжуд тўртта вариантнинг барчасини кўриб чиқайлик

ВАРИАНТЛАР					
	Кўрсаткичлар	**Ишлаб чиқариш**	**Сотиб олиш** (бунда бўшаган жиҳоздан фойдаланилмайди)	**Сотиб олиш** (бўшаган жиҳоздан бошқа-маҳсулотлар ишлаб чиқарилади)	**Сотиб олиш** (бўшаган жиҳозни ижарага бериш)
1.	Ижарага беришдан даромад				8
2.	Бошқа маҳсулот ишлаб чиқаришдан кўриладиган маржинал фойда				
3.	Деталь харажати			240	240
4.	Соф релевант харажат	225	240	212	232

Иллюстратив мисол.

Компьютер марказида 10 нафар оператор ишлайди. Марказ раҳбарига компьютерларнинг операцион хотирасини тез ишлатиш ва кенгайтириш мақсадида кучайтиришни сўраб 10 нафар оператор имзоси билан ариза тушган. Бу таклиф марказ раҳбарига унча ёқмаяпти, чунки, амалда ишлаётган «система» бундан икки йил олдин 300.000 п.б.га сотиб олинган бўлиб, унинг фойдали иш муддати яна 3 йил.

Янги станцияни сотиб олиш ҳар бир станция учун 13500 п.б.ни ташкил қилади. Фойдали иш муддати ҳам 3 йил. Амалдаги тизимнинг (системанинг) бир йиллик харажатлари 40000 га тенг. Ишлаётган 10 нафар операторнинг бир йиллик харажати 10000 (1 х 1000) га тенг. Системанинг ҳисобдан чиқарилиш (ликвидация қиймати) баҳоси 95000 п.б.

Йиллик даромад - 1000000, шунингдек компьютерларга боғлиқ бўлмаган жорий харажатлар - 880000 п.б. Бу кўрсаткичлар иккала ҳолатда ҳам ўзгаришсиз қолади.

Талаб қилинади:

1. Барча маълумотларни иккала вариант бўйича ҳам йиғиб чиқиш:
   а) эски системани қолдириш;
   б) уни янги иш станциясига алмаштириш
2. Иккала вариант бўйича релевант ва норелевант маълумотларни таққослаш
3. Фақат релевантли харажатларни таққослаш
4. Нима учун бу таклиф раҳбарга ёқмади фикрингизни билдиринг?

Мисолнинг ечими

Биринчи банд (савол) ечими:

		эски системани қолдириш (п.б.да)	таклиф қилинаётган станция (п.б.да)
1.	Бирламчи баҳоси	300.000	135000
2.	Хизмат қилиш муддати	5 йил	3 йил
3.	Қолган хизмат қила олиш муддати	3 йил	3 йил
4.	Йиғилган амортизация	120000	-
5.	Қолдиқ қиймати	180000	-
6.	Ликвидация қиймати	95000	-
7.	Бир йиллик операцион харажатлар	40000	10000
8.	Йиллик даромад	100000	1000000
9.	Йиллик, компьютер билан боғлиқ бўлмаган бошқа жорий харажатлар	880000	88000

Бу жадвалда икки турдаги норелевант маълумотлар бор:

1. Олдин сарфланган харажатлар (М., амалдаги системанинг бирламчи баҳоси);
2. Келгусида олинадиган даромад (1000000) ва харажатлар (880000)

Иккинчи банд (савол) ечими

Релевант ва норелевант маълумотлар	Жами уч йилда		
	система	станция	фарқи
1. Даромад (1000000 x 3 йил)	3 000 000	3 000 000	-
2. Харажатлар:			
* компьютер билан боғлиқ бўлмаган операцион харажатлар (880000 x 3 йил)	2 640 000	2 640 000	-
* амортизация			
* компьютер билан боғлиқ бўлган операцион харажатлар	120 000		90 000
* алмаштиришдаги чиқимлар	-	180 000	-
* ликвидация қиймати	-	(95 000)	95 000
* станция амортизацияси		135 000	(135 000)
Жами харажатлар	2 940 000	2 890 000	50 000
	60 000	110 000	50 000

Бу жадвалда ҳам икки турдаги норелевант маълумотлар бор:

1. Олдин сарфланган харажатлар
2. Келгусида олинадиган даромад ва кўриладиган харажатлар

Учинчи банд (савол) ечими

	Релевант маълумотлар	жами 3 йилдагиси		
		система-ники	станция-ники	фарқи
1.	Компьютер билан боғлиқ бўлган жорий харажатлар	120000	30000	90000
2.	Системанинг жорий ликвидация қиймати		(95000)	95000
3.	Станция амортизацияси		135000	(135000)
	Жами релевант харажатлар	120000	70000	50000

Тўртинчи банд (савол) ечими

1 Корхона амалдаги системани ўзгартирмоқчи бўлса, қуйидаги харажат ва чиқимларни ҳисобга олиши лозим:
а) қолдиқ қиймат - 180 000
б) ликвидация қолдиғи - 95 000
чиқим - 85 000

2 Умуман олганда, биринчи йили шу марказ 20 000 п.б.да зарар кўради.

Чунки

1. Даромад		1000000
2. Харажатлар: * компьютер билан боғлиқ бўлмаган жорий харажатлар	880000	
* компьютер билан боғлиқ бўлган жорий харажатлар	10000	
* амортизация (135 000 : 3 йил)	45000	

* система ўзгаришидан кўрилади-ган чиқим	85000	
Жами чиқим	1020000	
Натижа		(20000) зарар

Бу шу йил учун ёмон кўрсаткич, чунки мукофот олинмайди, иш ҳақи камаяди ва ҳ.к.з.

Ўз-ўзини текшириш бўйича саволлар (тест саволлари)

1. Келгусидаги харажатлар ва олинадиган даромадлар тўғрисидаги альтернатив маълумот қандай номланади?

а) тўпланиб борувчи маълумотлар
б) релевант маълумотлар
в) ўзгарувчан харажатлар тўғрисидаги маълумотлар
г) бартараф этиладиган харажатлар тўғрисидаги маълумотлар

2. Бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёни ўз ичига қуйидагилардан қайсинисини олади?

а) бир неча альтернатив вариантларни таҳлил қилиш ва энг маъқулини танлаб олиш
б) сотиш ҳажмини кенгайтириш (орттириш) бўйича энг оптимал ҳаракатларни белгилаш
в) мавжуд лойиҳаларга иложи борича четдан молиявий маблағларни жалб қилиш
г) таҳлил учун зарур бўлган альтернатив вариантлардан энг қулай иккитасини танлаб олиш

3. Барча бошқарув қарорлари қуйидагилардан қайси бири билан албатта таъминланган бўлиши лозим?

а) ўтган даврдаги даромадлар ва харажатлар тўғрисидаги релевант маълумотларнинг ҳар томонлама чуқур таҳлили маълумотлари билан
б) энг оптимал вариант иш натижасининг таҳлили билан
в) альтернатив вариантлар иш натижасининг таҳлили билан
г) акциядорларни қўллаб-қувватлаш бўйича мавжуд маълумотлар билан

4. Қуйидаги бандлардан одатда, қайси бири доимий ўсиб борувчи харажатлар деб қаралади?

а) қайта ишлаш харажатлари (қўшилган харажатлар)
б) асосий фаолият билан боғлиқ даврий харажатлар
в) умумишлаб чиқариш харажатлари
г) тўғри ишлаб чиқариш харажатлари

5. Умуман олганда, барча ўзгарувчан харажатлар бошқарув қарорлари қабул қилиш учун релевант, доимий харажатлар бўлса, норелевантдир. Шу фикрга қўшиласизми?

а) ҲА б) ЙЎҚ

6. Бир марталик махсус буюртмаларда, агар ҳақиқатдан ҳам ана шу буюртма тўлиқ ҳажмда бажариладиган бўлса, унда бир дона маҳсулотга тўғри келадиган барча тўғри ва эгри харажатлар йиғиндиси ҳеч қачон келишилган дастлабки баҳодан кам бўлмайди. Шу фикрга қўшиласизми?

а) ҲА б) ЙЎҚ

7. Қарорлар учун релевант деб қабул қилинган харажатлар, қуйидагилардан қайси бирини ўз ичига олиши мумкин?

а) келгусида бўлиши кутилаётган доимий харажатларни
б) ўтган давр ўзгарувчан харажатларини
в) унисини ҳам, бунисини ҳам («а» ва «б» бандлар)
г) униси ҳам эмас, буниси ҳам эмас («а» ва «б» бандлар)

8. Тарихий харажатлар бўлиши мумкин:

а) келгусидаги харажатлар учун релевантли
б) келгусида рўй бериши мумкин булган харажатларни олдиндан кўра билиш
в) униси ҳам, буниси хам («а» ва «б» бандлар)
г) униси ҳам эмас, буниси хам эмас («а» ва «б» бандлар)

9. Корхона унга таклиф қилинаётган иккита машинадан бирини сотиб олиш учун уларни ўзаро солиштираяпти. Шу ҳолатда сифат кўрсаткичи деб қуйидагилардан қайси бири танлаб олиниши мумкин?

а) 1 литр бензин билан неча километр юриши
б) автомобилнинг қулайлик даражаси
в) униси ҳам, буниси ҳам («а» ва «б» бандлар)
г) униси ҳам эмас, буниси ҳам эмас («а» ва «б» бандлар)

10. Махсус буюртмани қабул қилиш бўйича қарор чиқаришда келгусидаги доимий харажатлар

а) норелевантли деб қаралади
б) одатда, релевантли деб қаралади
в) релевантли бўлиши мумкин деб қаралади
г) тўғри жавоб йўқ

11. Махсус буюртмани қабул қилиш ёки қабул қилмас-лик бўйича қарор чиқаришда жуда ҳам фойдали бўладиган ҳисобот, бу

а) тўлиқ харажатларни ҳисобга олиб тузилган фойда ва зарарлар ҳисоботи
б) маржинал усул бўйича тузилган фойда ва зарарлар ҳисоботи
в) бухгалтерия баланси
г) молиявий ҳисоботнинг барча шакллари

12. Лимитланган омил бўйича бир дона маҳсулотга тўғри келадиган маржинал фойдани ҳисоблаш бўйича амалга оширилаётган таҳлил қуйидаги қайси қарорни қабул қилиш учун керак?

а) сотиш керакми ёки маҳсулотни янада мукаммал-лаштириш лозим
б) сотиб олиш керакми ёки ўзи ишлаб чиқариши
в) махсус буюртма қабул қилиш керакми, йўқми
г) маҳсулотлар ассортиментини аниқлашда

Масалалар ва муаммолар

Махсус буюртмани қабул қилиш тақлили

Корхона «А» турдаги маҳсулот ишлаб чиқаради. Йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 300000 дона. Ўзгарувчан харажатлар (бир йилга) 750000 п.б., шартли ўзгармас (доимий) харажатлар 450000 п.б. Доимий харажатлар, ишлаб чиқариш ҳажми 200000 донадан 300000 донагача бўлган оралиқда ўзгармайди. Прогноз бўйича корхона бир йилда ҳар бирини 5 п.б.да жами 240000 дона «А» маҳсулотни сотиши мумкин.

Худди шундай «А» турдаги маҳсулотдан 60000 дона ишлаб беришга бир марталик буюртма тушяпти, лекин баҳоси одатдаги сотиш баҳосидан 40% арзон деб фараз қилайлик.

Талаб қилинади

Корхонанинг фойдаси ёки харажати (чиқими) неча сўмга ўзгаришини топинг.

2

«Сотиб олиш керакми
ёки
ўзим ишлаб чиқишим лозимми?»
қарорини қабул қилиш.

Корхона 20000 дона детални ишлаб чиқариши лозим. Қуйидаги маълумотлар мавжуд

	Бир дона маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари	Пул бирлигида
1.	Тўғри материал сарфи	4.0
2.	Тўғри иш ҳақи	16.0

3.	Ўзгарувчан умумишлаб чиқариш харажатлари	8.0
4.	Доимий умумишлаб чиқариш харажатлари	10.0
	Жами харажатлар (бир донаники)	38,0

а) Худди шундай деталнинг бир донасини 36.0 п.б.дан сотиб олиш имконияти мавжуд.
б) Корхона шу детални сотиб олса, бўшаган жиҳозни ишлатиш имконияти йўқ деб фараз қилайлик.
в) Қандай қарор қабул қилинишидан қатий назар 60 фоиз умум ишлабчиқариш харажатлари кутилади.

Талаб қилинади

1. Релевант харажатларининг умумий суммасини топинг ва иккала вариантни таққослаб кўринг.

7-МАВЗУ:

Баҳолар ва баҳолаш бўйича қарорлар қабул қилиш

7.1. Макроиқтисод нуқтаи назаридан баҳоларни белгилаш концепцияси

Макроиқтисод назариясига асосан баҳоларни белгилашга анъанавий ёндошиш



Жами харажатлар ва даромадларнинг эгри чизикли боғланиши



Маржинал даромад ва маржинал харажатлар эгри чизиғи



7.2. Баҳолар бўйича қарорлар қабул қилишга таъсир этувчи омиллар



7.3. Баҳолаш (баҳоларни белгилаш) усуллари





Шу тўртта усулнинг қўлланиши бўйича мисол

Компания бошқалардан деталлар сотиб олиб, автомобил моторини йиғади. Ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми 14750 моторга тенг, бир дона махсулотга бўлган харажатлар ўтган йили бўйича қуйидагича:

	Жами:	бир донаси
1.Ўзгарувчан ишлаб чиқариш харажатлари а) тўғри материал харажатлар	88 500	6.00
б) тўғри иш ҳақи харажатлари	66 375	4.50
в) ўзгарувчан умум ишлаб чиқариш харажатлари	44 250	3.00
Жами ўзгарувчан харажатлар	199 125	13.50

2.Доимий умум ишлаб чиқариш харажатлари	154 875	10.50
3. Маъмурий бошқарув ва тижорат харажатлари (МБТХ) а) тижорат харажатлари	73750	5.00
б) умумий харажатлар	36875	2.50
в) маъмурий бошқарув харажатлари	22 125	1.50
Жами МБТХ	132 750	9.00
Умумий харажатлар	486 750	33.00

1. Ҳисобот йилида харажатларнинг ўзгариши кутил-маяпти.
2. Компания 110 625 п.б.да фойда олишни режалаштирмокда.
3. Компания активларининг умумий суммаси 921 875.
4. Активлар рентабеллиги шу холатда 12%ни ташкил килади (110625 : 921875) x 100



Мисолдан келиб чиқиладиган бўлса

1. **Устама фоизи** = (110625 + 154875 + 132750) : 199125 = 200%
2. **Баҳоси** = 13.50 + (13.50 x 200%) = 40.50



Мисолдан келиб чиқиладиган бўлса

1. Устама фоизи = (110625 + 132750):(199125 + 154875) = 68.75%
2. Баҳоси = 24.0 + (24.0 x 68.75%) = 40.50



Мисолдан келиб чиқиладиган бўлса

1. **Устама фоизи** = 110625 : (199125 + 154875 +132750) = 22.73%
2. **Баҳоси** = 13.50 + 10.50 + 9.00 + (33.0 x 22.73%) = 40.50



Мисолдан келиб чиқиладиган бўлса

1.Баҳо=13.50 + 10.50 + 9.00 + (12% x 921875) : 14750= 40.50

тест саволлари

1. Харажатларнинг ўзгаришини, «ўзини тутиши»ни ўрганиш баҳолар бўйича қарорлар қабул қилиш учун асосдир. Сиз шу фикрга қўшиласизми?

а) ҲА б) ЙЎҚ

2. Баҳолар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинаётганда ишлаб чиқариш харажатлари одатда, қуйидагилардан қайси бирини ўз ичига олади?

а) тўғри ишлаб чиқариш харажатлари
б) эгри ишлаб чиқариш харажатлари
в) иккаласини ҳам
г) иккаласини ҳам эмас

3. Баҳолар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинаётганда, корхона менежерлари, кўпчилик ҳолларда харажатлар базасига ҳам ўзгарувчан, ҳам доимий харажатларни қўшишни афзал кўрадилар. Сиз шу фикрга қўшиласизми?

а) ҲА б) ЙЎҚ

4. Корхонанинг ишлаб чиқараётган бир дона маҳсулотига тўғри келадиган ўзгарувчан харажатлар 50 п.б.ни ташкил қилмоқда. Доимий харажатларнинг умумий миқдори 1 000 000 п.б.да бўлиб, у ишлаб чиқарилган барча маҳсулот ҳажмига нисбатан баравар тақсимланади. Маҳсулотнинг сотиш баҳоси тўлиқ харажатларга яна 10 фоиз устамани қўйиш билан аниқланади. Агар жами 100 000 бирлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, маҳсулот бирлигининг баҳоси қанчага тенг бўлади?

а) 55 п.б.
б) 60 п.б.
в) 61 п.б.
г) 66 п.б.

5. Корхона 200 000 бирлик маҳсулот сотмоқчи. Доимий харажатлар 400000 п.б.ни ташкил қилган, ўзгарувчан харажатлар сотув баҳосининг 60%ни ташкил қилади. Шу ҳолатда 100 000 п.б.даги операцион фойда олиш учун бир дона маҳсулотнинг сотиш баҳоси қанчага тенг бўлиши лозим?

а) 3.75 п.б.
б) 4.17 п.б.
в) 5.00 п.б.
г) 6.25 п.б.

6. Корхона бир ойда 8 000 бирлик маҳсулот ишлаб чиқаради ва сотади. Жами ишлаб чиқариш харажатлари 560 000 п.б.ни ташкил қилади, шундан 160 000 п.б. - ўзгарувчан, 400000 п.б. - доимий. Корхонанинг ишлаб чиқаришда фойдаланилмаётган, бир ойда 2 000 бирлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқара олиш имконияти мавжуд. Шу ҳажм бўйича махсус буюртма қабул қилиш масаласи кўтарилса, корхона қуйидаги баҳолардан қайси бирини ўзига маъқул топиши мумкин?

а) 17 п.б.
б) 73 п.б.
в) 62 п.б.
г) 21 п.б.

7. Корхона ўз активлари рентабеллигини - 30 % атрофида бўлишини хоҳламокда. Бир хил турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш учун корхонадаги мавжуд активларнинг умумий суммаси - 100000 п.б.га тенг. Келгуси йили сотилиши мумкин бўлган ҳажм тахминан 10 000 бирликни ташкил қилади. Бир дона

маҳсулотни ишлаб чиқариш харажатлари бўлса, қуйидагича: ўзгарувчан ишлаб чиқариш харажатлари - 5 п.б., доимий ишлаб чиқариш харажатлари - 1 п.б., шунингдек, доимий тижорат ва маъмурий бошқарув харажатлари - 2 п.б. Тўлиқ таннарх ҳисоби бўйича топингчи, бир дона маҳсулотнинг сотув баҳоси қанчага тенг бўлади?

а) 5 п.б.
б) 8 п.б.
в) 10 п.б.
г) 11 п.б.

Муаммолар ва вазифалар

1.Турли усуллардан фойдаланиб баҳоларни аниқлаш.

"Шуҳрат" корхонаси уч турдаги ўйинчоқлар ишлаб чиқаради: енгил машиналар, тиркагичли юк машиналари ва фургонлар. Ҳар бир автомобиль турларини ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган харажатлар тўғрисида қуйидаги маълумотлар мавжуд:

1-жадвал

	Сарф-харажатлар	жами	енгил машиналар	юк машиналари	фургон
1	Материаллар:				
	металл	137 000	62 500	29 000	45 500
	ўқлар	5 250	2 500	1 000	1 750
	ғилдираклар	9 250	3 750	2 000	3 500
	ранг-бўёқлар	70 500	30 000	16 000	24 500
2	Меҳнат харажатлари				
	штампалаш	53 750	22 500	12 000	19 250
	пайвандлаш	94 000	42 500	20 000	31 500
	ранг бериш	107 500	45 000	24 000	38 500
	териш-йиғиш	44 250	17 500	11 000	15 750
	Билвосита меҳнат харажати	173 000	77 500	36 000	59 500

	Бевосита қўшимча сарфлар	30 000	12 500	7 000	10 500
	Ўзгарувчан ишлаб чиқариш харажатлари	90 500	40 000	19 000	31 500
	Доимий ишлаб чиқариш харажатлари	120 000	45%	25%	30%
	Тижорат харажатлари	105 000	40%	20%	40%
	Маркетинг бўйича ўзгарувчан харажатлар	123 000	55 000	26 000	42 000
	Маркетинг бўйича доимий харажатлар	85 400	40%	25%	35%
	Маъмурий бошқарув харажатлари	47 600	40%	25%	35%

Корхона ҳар бир маҳсулот туридан, энг камида харажатлар миқдоридан 30% ҳажмида фойда олишни режалаштирган.

Реализация ҳажми қуйидагича белгиланган:
- енгил машиналардан - 50 000 дона;
- тиркагичли юк машиналаридан - 20 000 дона;
- фургонлардан - 35 000 дона.

Захира ҳажми ўзгармасдан қолади.

Талаб қилинади:

Қуйидаги усуллардан фойдаланиб, ҳар бир автомобиль турининг сотиш баҳосини аниқлаш:

а) ялпи фойда;

б) сотув рентабеллиги.

2.Таннархни ҳисоблаш ва баҳоларни аниқлаш.

"АВ" корхонаси автомобиль шиналарини ишлаб чиқаради. Корхонанинг йил давомидаги фаолияти тўғрисида қуйидагича маълумотлар мавжуд:

- ўзгарувчан ишлаб чиқариш харажатлари	1 530 000
- доимий ишлаб чиқариш харажатлари	540 000
- тижорат харажатлари	360 000
- маъмурий-бошқарув харажатлари	202 500
- кўзда тутилаётган фойда миқдори	337 500

Шу йили корхонанинг автомобиль шиналарига бўлган талаби 450 000 донани ташкил қилади деб ҳисоб-китоб қилинган.

Талаб қилинади:

1. Бир дона маҳсулотнинг лойиҳалаштирилаётган таннархини ҳисоблаб беринг.
2. Қуйидаги усуллардан фойдаланиб, маҳсулот баҳосини ҳисоблаб беринг:

а) ялпи фойда усули;
б) сотув рентабеллиги.

3. Кўрсатилаётган хизмат баҳосини аниқлаш.

"ВС" корхонаси йирик шохли моллардаги касалликларни текшириш ва уларни даволаш билан шуғулланади. Ана шундай текширишлар энг камида бир йилда бир марта ўтказилиши лозим. Йил давомида содир этилиши режалаштирилаётган харажатлар тўғрисида қуйидаги маълумотлар мавжуд:

- тўғри меҳнат харажатлари	425 000
- ўзгарувчан ишлаб чиқариш харажатлари	350 000
- доимий ишлаб чиқариш харажатлари	237 500
- маркетинг харажатлари	162 500
- маъмурий-бошқарув харажатлари	137 500
- кўзда тутилаётган фойда миқдори	125 000
- фойдаланилаётган активлар миқдори	781 250

Шу йили корхона 125 000 бош қорамолни текшириш-дан ўтказиши ва эмлаши мумкин. Активларнинг ўртача рентабеллиги – 16%.

Талаб қилинади:

1. Бир дона қорамолни текшириш-эмлаш харажатлари таннархини хисоблаб беринг.
2. Қуйидаги усуллардан фойдаланиб, текшириш-эмлаш баҳосини ҳисоблаб беринг:
   а) ялпи фойда усули;
   б) сотув рентабеллиги.

Вазиятли масала

"Ўткир" ОТАЖ мебеллар ишлаб чиқаради. Мебеллар-нинг баҳоси, уларнинг турларига қараб 10 000 сўмдан 250 000 сўмгача. Охирги ўн йиллик давомида акциядор-лик жамияти мебелларнинг баҳосини белгилашда ишлаб чиқариш таннархи миқдорига 20% устама қўйиш тамо-йилига асосланиб келмоқда. Хусусан, яқиндагина ишлаб чиқарилган мебелларга баҳо белгилаш қуйидагича амалга оширилган:

- тўғри материал харажатлари	5 000
- тўғри меҳнат харажатлари	8 000
- умумишлаб чиқариш харажатлари	2 000
жами харажатлар суммаси	15 000
20 % устама	3 000
сотиш баҳоси	18 000

Мабода, харидорларни баҳо қаноатлантирмаса, у ҳолда директор мебель баҳосини 5% гача камайтиришга рухсат берган. Шу ҳолда устаманинг миқдори мос ра-вишда 15%ни ташкил қилади.

Акциядорлик жамиятининг менежери баҳолар ва баҳоларни белгилаш бўйича махсус ташкил қилинган

малака ошириш курсларида қатнашиб, маржинал фойда усулини яхши ўрганиб қайтди. Менежер маржинал усулнинг амалдаги усулга қараганда анча афзал ва самарали бўлиши мумкинлигини сезди.

Сарф-харажатлар бюджетида умумишлаб чиқариш харажатлари миқдори 150 000 сўмни ташкил қилиб, унинг 90 000 сўми доимий ва 60 000 сўми ўзгарувчан умумишлаб чиқариш харажатларидир.

Талаб қилинади:

1. Фараз қилайлик, акциядорлик жамияти ишлаб чиқариб таклиф қилаётган мебелга бўлган ҳар иккала нархни ҳам харидор қабул қилмади, яъни мебель 18 000 сўмга ҳам, 15 750 (5% чегирма) сўмга ҳам сотилмаяпти. Харидор 15 000 сўм баҳони таклиф қилаяпти.

   а) менежер маржинал усулдан фойдаланиб белгилаши мумкин бўлган энг паст сотув баҳоси қанча сўм бўлади?
   б) ана шу энг паст сотув баҳосини харидор қабул қилса, у ҳолда фойда суммаси қанчани ташкил қилади?

2. Мебелга сотув баҳосини белгилаш усулига қараганда маржинал усулнинг нима афзалликлари бор?

3. Баҳони белгилашдаги маржинал усулнинг қандай камчиликлари мавжуд?

8-МАВЗУ

Бошқарув ҳисобида чизиқли программалаш модели

Ушбу мавзу "Бошқарув ҳисоби ва аудит" курси бўйича ўқилаётган мавзуларнинг саккизинчиси бўлиб, унда корхоналарда чекланган ресурслардан энг самарали фойдаланиш йўллари, харажатларни имкон қадар камайтириш ва шунга мувофиқ фойда миқдорини кўпайтириш йўналишлари хусусияти батафсил ёритилган.

Диққат-эътибор юқорида санаб ўтилган асосий молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича энг оптимал ечимни топишнинг чизиқли программалаш модели орқали самарали амалга оширилиши мумкинлигига қаратилган.

Чизиқли программалаш моделида фараз қилинадики, маълум миқдордаги молиявий, меҳнат ва моддий ресурслар асосий мақсадни амалга ошириш учун муайян миқдордаги харажат ва чиқимларни вужудга келтиради. Шу ўринда корхона раҳбаридан энг кўп фойда олиш учун қандай товардан қанча миқдорда ишлаб чиқаришни белгилаш талаб қилинади.

8.1. ЧИЗИҚЛИ ПРОГРАММАЛАШ МОДЕЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЗАРУРИЯТИ.



Масалан, корхона фақат икки турдаги маҳсулотнинг бирини ишлаб чиқаришни танлаши мумкин. Қуйидаги маълумотлар мавжуд:

Кўрсаткичлар		Маҳсулотлар тури	
		1	2
1.	Бир дона маҳсулотни сотиш баҳоси	10	15
2.	Бир дона маҳсулотнинг ўзгарувчан харажати	4	7
3.	Маржинал фойда	6	6
4.	Маҳсулот бирлиги, машина/соат	3 соат	6 соат

Хулоса

1. Агар, иккала маҳсулот ишлаб чиқариши бўйича четланиш бўлмаганда эди, корхона ҳар икки турдаги маҳсулотни ҳам ишлаб чиқарган бўлар эди.
2. Битта четланиш мавжуд бўлгани учун корхона битта турдаги, яъни биринчи турдаги маҳсулотни ишлаб чиқаришни қабул қилади.

Кўп омилли чекланиш

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг чекланишига икки ва ундан ортик омилларнинг таъсир этиши

(масалан, станокнинг иш вақти, яъни "машина/соат", маҳсулотларни тестдан ўтказиш вақти ва шу каби кўрсаткичлар)

Масалан

Олдинги мисолни давом эттириб, ишлаб чиқариш хажмига яна бир омил таъсир этаяпти деб, фараз қилайлик.

Бу омил - ҳар бир маҳсулотни тестдан ўтказиш учун бизнинг ихтиёримизда 12 соат вақт бор. Ҳар бир маҳсулотни тестдан ўтказиш учун 2 соат талаб қилинади. Шу ҳолатда, бир соатда «i» маҳсулотнинг тести натижасидаги маржинал фойда 4га (8:2 соат) тенг бўлади. «Тест» кўрсаткичи «машина/соат» кўрсаткичига нисбатан асосий кўрсаткичга тескари таъсир кўрсатади.

Шу омил таъсири натижаси бўйича хулоса қилинадиган бўлса, «тест» омилида афзаллик «2» маҳсулотга берилади.

! Ана шу иккала чеклаш омили таъсирида қайси маҳсулот турини ишлаб чиқишга афзаллик беришни аниқлаш учун чизиқли программалаш моделидан фойдаланилади.

8.2. Чизиқли программалаш моделининг асоси

Мисол

Заводда икки хил «С» ва «Л» маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Иккала маҳсулот ҳам икки босқичдан ўтиб, йиғиш ва синаб кўриш цехларида тайёр ҳолга келтирилади.

Қуйида яна қўшимча маълумотлар келтирилган

Цехлар	Мавжуд ишлаб чиқариш	Бир дона маҳсулотни ишлаб чиқишга кетадиган вақт, соатда		Бир кундаги ишлаб чиқариш ҳажми (донада)	
		С	Л	С	Л
1-йиғиш цехи	300 машина/соат	1.5	2.0	200 (300:1.5)	150 (300:2.0)
2-синаш цехи	120	1.0	0.5	120 (120:1)	240 (120:0.5)

Масаланинг ечими билан боғлиқ қуйидаги релевант маълумотлар мавжуд

Маҳсулот турлари	Бир кунлик ишлаб чиқариш қуввати (маҳсулот бирлигида)		Бир донанинг сотиш баҳоси (п.б.да)	Бир донанинг ўзгарувчан харажати (п.б.да)	Бир донанинг маржинал даромади (п.б.да)
Фақат бир хил "С" маҳсулоти ишлаб чиқиладиган бўлса	200	120	800	600	200

Фақат "Л" маҳсулоти ишлаб чиқиладиган бўлса	150	240	950	700	250

Кўриниб турибдики, маҳсулот турлари бўйича маржинал фойда қуйидагича:

1. «С» маҳсулотники, бир донаси учун - 200
2. «Л» маҳсулотники, бир донаси учун - 250

Фараз:

Материалларнинг етишмаслиги сабабли, «Л» маҳсулотини 126 дона ишлаб чиқариш имконияти мавжуд.

Муаммо

Максимал тарзда фойда олиш учун ҳар бир маҳсулот туридан қанчадан ишлаб чиқариш лозим?

8.3. Чизиқли программалаш модели муаммоларини ечиш босқичлари




Биринчи босқич
Мақсадни аниқлаш
Асосий мақсад
Жами фойда миқдорини максимал даражага чиқариш имконини берадиган махсулот турларини ва уларни ишлаб чиқариш хажмини белгилаб олиш.
(Аниқроғи, қайси хил махсулотдан қанчадан ишлаб чиқаришни аниқлаб олиш лозим)
Чизиқли функция
Ана шу мақсадни ифодаловчи функцияни қуйидагича ифодалаш мумкин:
Жами маржинал фойда = 200 х С + 250 х Л

Иккинчи босқич

Мавжуд бўлган ўзаро боғлиқ нархларни қуйидаги тенгсизликлар кўринишида ифодалаш мумкин

а)	I-цех бўйича чекланишни	$1.5 \times C + 2.0 \times Л = 300$
б)	2-цех бўйича чекланишни	$1.0 \times C + 0.5 \times Л = 120$
в)	материал етишмаслиги сабабли "Л" маҳсулотини ишлаб чиқариш чекланганлигини	$Л \leq 126$
г)	салбий ишлаб чиқариш бўлмагани учун	$C \geq 0$ ва $Л \geq 0$



8.4. Энг оптимал ечимларни аниқлаш усуллари.

Оптимал қарор қабул қилиш усули

Графикдаги С=72; Л=96 қуйидагича топилган:

1.5 х С + 2.0 х Л = 300 (1)
1.0 х С + 0.5 х Л = 120 (2)

Шу ерда (2)ни 1.5 га кўпайтирсак, ҳосил бўлади:

1.5 х С + 0.75 х Л = 180 (3)

(3)-чи тенгликни (1)-тенгликдан чиқарсак, оламиз:

1.25 х Л = 120
Л = 120 : 1.25 = 96

«Л»нинг қийматини (2)-тенгликка қўйсак ҳосил бўлади:

1.0 х С + 0.5 х 96 = 120
С=120-48=72

«С» ва «Л»нинг қийматини (сонини) билгандан кейин умумий маржинал фойда суммасини ҳисоблаб чиқишимиз мумкин:

Жами маржинал фойда = (200 х 72)+(250 х 96) = 38.400 п.б.

Графикдаги ана шу ҳолда бир бурчак нуқтасидан кейингисига силжисак, маржинал фойданинг янги нуқталари (координатлари) ҳосил бўлиб бораверади.

	(С:Л)нинг бурчак нуқталари	"С"	"Л"	Маржинал фойда суммаси, п.б.да
1.	(0:0)	0	0	(200 x 0) + (250 x 0) = 0
2.	(0:126)	0	126	(200 x 0) + (250 x 126) = 31500
3.	(32:126)	32	126	(200 x 32) + (250 x 126) = 37900
4.	(72:96)	72	96	(200 x 72) + (250 x 96) = 38400
5.	(120:0)	120	0	(200 x 120) + (250 x 0) = 24000

Кўриниб турибдики, энг оптимал координат, «С» маҳсулотидан - 72 дона ва «Л» маҳсулотидан - 96 дона ишлаб чиқиш.

Тест саволлари

1. Чизиқли программалаш моделидан бир-бири билан чизиқли алоқада бўлган узоқ муддатли қарорларни қабул қилишда фойдаланган маъқулроқми?
   а) Ҳа;
   б) Йўқ;
   в) турли шароитда турлича;
   г) тўғри жавоб йўқ.

2. Чизиқли программалаш моделининг асосий функцияси, бу:
   а) ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмини кўпайтириш
   б) махсус лойиҳалар учун маълумотлар (миқдорини) сонини камайтириш
   в) иккала банд ҳам тўғри (а ва б бандлар)
   г) иккала банд ҳам нотўғри (а ва б бандлар)

3. Чизиқли программалаш моделида энг критик вазиятлардан бири компьютерларда ўрнатиладиган программалар пакетидан фойдаланишдир, шундайми?
   а) Ҳа;
   б) Йўқ;
   в) Турли шароитда турлича;
   г) тўғри жавоб йўқ.

4. Чизиқли программалаш моделини умумий чеклашлар сони учтадан кўп бўлган пайтдаги ҳолатларга нисбатан қўллаш мумкинми?
   а) Ҳа;
   б) Йўқ;
   в) турли шароитда турлича;
   г) тўғри жавоб йўқ.

5. Чизиқли программалаш модели графигида маржинал фойда суммаси тенг бўлган чизиқнинг эгилиш бурчаги ҳам мақсадли функциядагидек бўладими?

а) Ҳа;
б) Йўқ;
в) турли шароитда турлича;
г) тўғри жавоб йўқ.

6. Чизиқли программалаш моделида асосий фараз қилинаётган нарса, бу
а) барча харажатлар - ўзгарувчан харажатлардир;
б) чеклашлар бўйича барча тенгсизликлар эҳтимоллар кўринишида ифодаланади;
в) иккала банд ҳам тўғри (а ва б бандлар);
г) иккала банд ҳам нотўғри (а ва б бандлар);

7. Компания ўзининг фаолиятини кенгайтириш мақсадида бир неча шўба корхоналар очишни режалаштирмоқда. Бунинг учун компания ихтиёрида эркин тарздаги 10 400 000 сўм пул маблағи мавжуд. Компания икки хилдаги шуъба корхонасини очмоқчи: (А типдаги) 20 ишчи ишлайдиган ва 10 ишчи-хизматчиси бўлган В типидаги корхона. Ана шу корхоналарга бирламчи молиявий қўйилма миқдори қуйидаги ҳажмда белгиланган: А типидагиси учун - 1 300 000 сўм ва В типидаги учун - 670 000 сўм. Режалаштирилаётган ҳар бир йил учун фойда миқдори А типдаги корхонадан - 92 000 ва В типдаги корхоналардан 36 000 сўм. Компания 200 кишидан ортиқ ишчи хизматчи олмоқчи эмас ва 20 та шуъба корхонаси очмоқчи. Неча дона шуъба корхонаси очиш лозимлиги чизиқли программалаш модели орқали аниқланмоқда. Чизиқли программалаш моделидаги тенгсизликларда қуйидаги келтирилаётган қайси тенгсизликлар чекланиш сифатида қаралмаслиги мумкин?

а) $A+B = 20$
б) $20 \times A + 10 \times B < 200$
в) $92\,000 \times A + 36\,000 \times B < 128\,000$
г) $1\,300\,000 \times A + 670\,000 \times B < 10\,400\,000$

Муаммолар ва вазифалар

1. Ишлаб чиқаришнинг оптимал режаси.

"Умар" ОТАЖ икки хил маҳсулот, яъни компьютер ҳамда принтер йиғади ва уларни сотади. Харидорлар компьютерни алоҳида сотиб олишлари мумкин ёки унга қўшиб принтерни ҳам ҳарид қилиш имкониятига эгалар. Принтер эса алоҳида сотилмайди. Шу тамойилга мувофиқ сотилган принтерлар сони сотилган компьютерлар сонига тенг ёки унинг сонидан кам бўлиши мумкин. Ҳар бир компьютердан акциядорлик жамияти оладиган маржинал фойда 50 000 сўмни ва ҳар бир принтердан *қўриладиган маржинал фойда 100 000 сўмни ташкил* қилади.

Ҳар бир принтер иккита ишлаб чиқариш линиясидан ўтиб йиғилади ва сотувга тайёр бўлади. Битта принтер 1-линияда 6 соатда ва 2-линияда 10 соатда йиғилади. Битта компьютер бўлса, 1-линияда 4 соатда йиғилиб, сотувга тайёр бўлади. Акциядорлик жамиятининг 1-йиғув линияси суткасига 24 соат ишлайди, 2-йиғув линияси бир сутка давомида – 20 соат. Фараз қилайлик, X – бу принтерлар сони, Y – компьютерлар сони.

Талаб қилинади:

1. Вужудга келиши мумкин бўлган барча муносабатларни чизиқли программалаш модели форматида акс эттиринг;
2. "Умар" ОТАЖ энг юқори даражада фойда олиш имкониятини компьютерлар ва принтерларнинг қайси миқдори таъминлайди? Масалани ечишда ҳар иккала усул, яъни график усулдан ҳам синаш ва хатолар усулидан фойдаланинг.

2. Харажатларни камайтириш.

"Мирзо" деҳқон-фермер хўжалиги қишлоқ хўжалик экинларига минерал ўғитлар солишни амалга оширмоқ-

чи. Бунинг учун ҳисоб-китобларга асосан 4 800 кг азотли ва 5 000 кг фосфорли ўғит керак бўлади.

Минерал ўғитлар махсус халталарда сотилмоқда. "Экстра" русумли халтада иккита пакет бўлиб, унинг биттасига 20 кг азот ва 80 кг фосфор ўғити солинган, яъни бита халтанинг умумий оғирлиги 100 кг. Ана шу "экстра" русумли битта халтанинг баҳоси 1 500 сўм.

"Минерал" русумли халтанинг ҳам ҳар бирида 100 кг ўғит бўлиб, шундан 75 кг – азот ва 25 кг - фосфор, баҳоси 4 500 сўм.

Фараз қилайлик, X – бу "экстра" русумли халталар сони ва У – "минерал" русумли халталар сони.

Талаб қилинади:

"Мирзо" деҳқон-фермер хўжалиги ўзига керак бўлган минерал ўғитларни энг кам харажат билан сотиб олиши учун ҳар бир халтадан қанчадан харид қилиши лозим? Масалани график кўринишида ечинг.

3. Маҳсулотларнинг оптимал ассортименти.

"Доимий беминнат хизмат" корхонасининг бир нечта озиқ-овқат магазинлари бўлиб, уларнинг ҳар бири суткасига 24 соат ишлайди. Барча магазинларнинг майдони бир хил бўлиб, уларнинг ҳажми 80 кв. метрдан. Магазинларда сотиладиган барча товарлар икки гуруҳга умумлаштирилган: баққоллик-гастрономия маҳсулотлари ва кундалик эҳтиёж моллари. Корхона раҳбарлари ҳар бир магазин камида 20 кв. метрдан баққоллик-гастрономия маҳсулотлари сотуви учун ва 16 кв. метрдан кундалик эҳтиёж моллари сотуви учун ажратишлари лозимлигини белгилаб берган. Мана шу чеклашлар доирасида ҳар бир магазин мудири маҳсулотлар ассортиментини мустақил тарзда ўзи танлаши мумкин.

Бир магазин мудири ҳар бир кв. метр жой учун маржинал фойда миқдорини қуйидагича белгиламоқда:

- баққоллик-гастрономия маҳсулотлари 5 000
- кундалик эҳтиёж моллари 1 500

Талаб қилинади:

1. Магазин мудири олдида турган муаммони аниқланг ва унинг чизиқли программалаш моделини тузинг;
2. Нима учун корхона ҳар бир гуруҳ товар сотуви учун лозим бўлган энг кичик майдонни аниқлайди?
3. Ана шу магазин учун ҳар бир товар гуруҳидан қанчадан миқдор бўлиши лозим бўлган оптимал ҳажмни топинг. Бунинг учун ҳар иккала усул, яъни график усулдан ҳам, синаш ва хатолар усулидан ҳам фойдаланинг.

Вазиятли масалалар

Корхона металлдан икки хил, яъни кўтарувчи ва йиғувчи қурилма ишлаб чиқарадиган янги цехни ишга туширди. Цехнинг ихтиёрида 5 дона металлга шакл берувчи ва яна 5 дона металлни кесувчи станоклар мавжуд бўлиб, бу станокларнинг барчаси ижарага олинган. Ҳар бир станокнинг ижара хақи учун корхона бир ойда 30 000 сўм тўлайди. Станокларнинг бир ойлик ишлаб чиқариш қуввати 400 соатдан. Қўшимча тарзда станоклар олиш имконияти йўқ.

Қуйидаги маълумотлар мавжуд:

	Бир дона маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланадиган машина-соат		
	кўтарувчи қурилма	йиғувчи қурилма	Жами,бир ойда
металлга шакл берувчи станоклар	2	2	2 000
металлни кесувчи станоклар	1	2	2 000

Цех бухгалтери қўшимча тарзда яна қуйидаги маълумотларни берди:

	кўтарувчи курилма	йиғувчи курилма
Бир донасининг сотиш баҳоси, минг сўмда	18	27
Бир донасининг ўзгарувчан харажатлари, минг сўмда	14	20

Йиғувчи курилмага талаб чексиз, кўтарувчи курилмалардан эса корхона раҳбарлари бир ойда 800 донадан ортиқ сотиш мумкин эмас деб фараз қилишаяпти. Қуйида мана шу ҳолатнинг чизиқли программаси модели ва унинг графиги келтирилган. Корхона имкон қадар энг кўп миқдорда фойда олмоқчи ва бунинг учун зарур бўлган ишлаб чиқариш ҳажмига (Оич) эришмоқчи.

Чизиқли программалаш модели

Мф = 4 х К + 7 х Й бўлади, қуйидаги шартлар бажарилса

$$К + 2 х Й < 2\ 000$$
$$2 х К + 2 х Й < 2\ 000$$
$$К < 800$$
$$К, Й \geq 0$$

бу ерда, К-ишлаб чиқарилган ва сотилган кўтарувчи курилма
Й - ишлаб чиқарилган ва сотилган йиғувчи курилма
Мф - маржинал фойда суммаси.

Мана шу масаланинг график кўриниши



Талаб қилинади:

Ҳар бир вазиятни алоҳида кўриб чиққан ҳолда қуйидаги вазифаларни бажаринг:

1. Маржинал фойданинг энг юқори миқдорини топинг;
2. Кўтарувчи курилмага талабни 1000 донага етказиш учун реклама харажатларини яна қанча суммага ошириш мумкинлигини топинг;

МУНДАРИЖА

Кириш.....3

1-мавзу
Бошқарув ҳисоби тўғрисида умумий тушунча
Харажатлар таркиби ва тавсифи

Бошқарув ва молиявий ҳисобларини ўзаро таққослаш.....4
Харажатлар классификацияси. Ишлаб чиқариш харажатларининг элементлари.....8
Тўлиқ ва ўзгарувчан харажатларни ҳисобга олиш усуллари, уларнинг молиявий натижаларга таъсири.....12

2-мавзу
"Харажатлар - ишлаб чиқариш ҳажми –фойда" кўрсаткичлари тушунчаси ва уларнинг таҳлили

Харажатлар таркиби (доимий ва ўзгарувчан харажатлар).....24
Ишлаб-чиқариш ҳажми (ишлаб чиқариш қуввати).....27
"Харажатлар - ҳажм - фойда" тушунчаси таҳлили.....30

3-мавзу
Харажатлар тақсимоти. Маҳсулотлар таннархини калькуляция қилиш ва харажатларни ҳисобга олиш

Харажатларни тақсимлаш тартиби ва усули.....44
Таннархни калькуляция қилишнинг буюртмали усули.....47
Таннархни калькуляция қилишнинг жараёнли усули.....53

4- Мавзу
Харажатларни режалаштириш ва назорат қилиш.

Режалаштириш асослари ва дастури.....68
Бюджетли (сметали) режалаштириш.....71
Асосий бюджет.....74
Пул маблағлари бюджети.....75
Сотиш ҳажмини режалаштириш муаммолари.....79

5-мавзу
Норматив харажатлар (харажатлар ҳисобининг норматив усули) ва четланишлар ҳисоби

Харажатлар ҳисобининг норматив усули тушунчаси ва "стандарт-кост" тизими.....99

Маҳсулот таннархини калькуляция қилишда норматив усулдан фойдаланиш....101
Четланишлар хисоби - харажатларни назорат қилишдаги муҳим восита....102
Четланишларни хисоблаш ва уларнинг таҳлили....106

6-мавзу
Қисқа муддатли қарорлар қабул килиш ва уларнинг самарадорлиги таҳлили.

Бошқарув қарорларини қабул қилиш моделлари. Альтернатив харажатлар....117
Релевант тушунчаси. Бошқарув қарорларини қабул қилишга релевантли ёндошиш....120

7-мавзу
Баҳолар ва баҳолаш бўйича қарорлар қабул қилиш

Макроэкономика нуқтаи назаридан баҳоларни белгилаш концепцияси....138
Баҳолар бўйича қарорлар қабул қилишга таъсир қилувчи омиллар....140
Баҳолаш (баҳоларни белгилаш) усуллари....141

8-мавзу
Бошқарув ҳисобида чизиқли программалаш модели

Чизиқли программалаш моделларидан фойдаланиш зарурияти 157
Чизиқли программалаш моделининг асоси....160
Чизиқли программалаш модели муаммоларини ечиш босқичлари....162
Энг оптимал ечимларни аниклаш усуллари....165

ПАРДАЕВ АБДУНАБИ ХОЛИҚОВИЧ

БОШҚАРУВ ҲИСОБИ

"Академия" нашриёти
Тошкент, 2002 й

Муҳаррир Г.Абдуллаева
Мусаҳҳих Б. Рустамов
Рассом Р.Султонов
Техник муҳаррир, компьютерчи Л.Фахрутдинова,
Нашр учун масъул Д.Қобулова

Теришга берилди 06.09.2001 й. Босишга рухсат этилди 19.10.2001 й. Бичими 84x108 1/32. Офсет босма. Шартли босма табоғи 11,0. Нашриёт ҳисоб табоғи 11,0 Адади 3000. Баҳоси шартнома асосида. Буюртма №

"Akadem-xizmat" босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент, Ўзбекистон шох кўчаси, 45.

176